




MILLIY TIKLANISH

51-52 (269) ● 2013 йил 25 декабрь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган



Музейлар — тарих кўзгуси бўлиб, ёш авлодга ўзликни англаш, аждодларидан фахрланиш, она Ватанга муҳаббат ва унга муносиб фарзанд бўлиш ғояларини сингдиради

5 МАЪНАВИЯТ



"Микрокредитбанк" ўтган йиллар давомида муваффақиятли фаолият кўрсатибгина қолмай, мамлакатимиздаги тадбиркорлик субъектларининг ишончли ҳамкорига айланди

6 ЖАРАЁН



1815 йили Нидерландияда биринчи Конституция қабул қилинган бўлиб, унга кўра икки палатали қонун чиқарувчи олий идорага асос солинди. Мамлакатда ҳозир олтига йирик сиёсий партия мавжуд

7 ХАЛҚАРО ҲАЁТ

Хабарлар

Ёш хунармандлар кўргазмаси

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда тиббий-ижтимоий аҳолидан қатъи назар, ҳар бир ўғил-қизга меҳр-эътибор кўрсатиш, ёшларнинг билим олиши, ўз қизиқиш ва интилишига мос касб-хунар эгаллаши, жамиятда ўз ўрнига эга бўлиши учун зарур шароит ва имкониятлар яратилмоқда.

Пойтахтимизда имконияти чекланган ўқувчи-ёшлар томонидан ясалган хунармандлик буюмларининг "Янги йил совғалари" деб номланган кўргазмаси бўлиб ўтди. Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастури ва БМТ Кўнгилчилар дастурининг "Ўзбекистонда ижтимоий инновациялар ва кўнгилчилик" кўшма лойиҳаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур кўргазма имконияти чекланган ёшларга ёрдам кўрсатиш, уларни хунар эгаллашга йўналтиришдек эзгу мақсадга хизмат қилади. Жисмоний имконияти чекланган болаларнинг хунар ўрганиши, жамиятда ўзига муносиб ўрин эгаллаши, тадбиркорлик фаолияти билан шугулланишига хизмат қиладиган мазкур кўргазма доирасида махсус мактаб-интернатлари тарбияланувчилари ясаган маҳсулотлар савдоси ташкил қилинди.

Осойишталик омили

Термиз шаҳрида миллатлар аро тотувлик ва диний бағрикенглик фуқаролар ҳамжиҳатлигининг асоси мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Сурхондарё вилояти ҳудудий бошқармаси ва Термиз давлат университети ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, Республика Маънавият тарғибот маркази ва "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлимлари масъул ходимлари, Термиз давлат университети профессор-ўқитувчилари, талабалар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Давра суҳбатида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида миллатлар аро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ўз самарасини бераётгани таъкидланди.

Суғурта турлари

"Ўзбекинвест" экспорт-импорт миллий суғурта компанияси 2014 йили амалга ошириши кутулаётган ишларга бағишланган матбуот анжуманини ўтказди.

Анжуманда аҳолига кўрсатилаётган суғурта хизмати турлари, ушбу йўналишда "Ўзбекинвест Ҳаёт" шўба ҳужалик шаклидаги суғурта компанияси томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар, асосий ва узоқ муддатли суғурта турлари, ушбу турларнинг спектрини ривожлантириш, оммалаштириш, суғурта маҳсулотларини янада юксалтириш ҳамда келгуси 2014 йилда амалга ошириладиган ишлар ҳақида батафсил маълумот берилди.



Партия ёшларни ўзининг ижтимоий соҳадаги сиёсати марказига қўяди. Ёшлар — бу мамлакат келажаги, жамиятнинг таянчи ва ажралмас қисми, у табиий равишда катта авлод ўрнига келади. Партия ёшларнинг салоҳиятини Ватанга хизмат қилишга йўналтиришни ўз вазифаси деб билади. Ёшларни ватанпарварлик, миллий ғояга содиқлик, миллий-маънавий-тарихий қадриятларимизга ҳурмат руҳида ва ўтмиш меросимизнинг ҳақиқий билимдони, замонавий билимлар эгаси қилиб тарбиялаш, уларнинг қалбида миллий ғурур уйғотиш партиянинг устувор мақсад-вазифалари сирасига киради.

ЎзМТДП сайловолди Платформасидан

Юзма-юз

Сайловчилар билан учрашувлар

депутатлар фаолиятининг кўзгуси

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзМТДП фракцияси аъзолари жойларда сайловчилар билан учрашиб, юзма-юз мулоқотда бўлиди. Учрашувларда давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги «Амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш — ёруғ келажакимизнинг асосий омилидир» номи маърузаси мазмун-моҳияти, парламент палаталарининг қўшма мажлисида илгари сурилган Концепцияда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар, палатанинг қонун ижодкорлиги фаолияти, жумладан, қабул қилинган қонунлар, уларнинг мазмун-моҳияти ҳамда муҳокама қилинаётган қонун лойиҳаларининг мақсад-вазифалари ва мазкур жараёнларда ЎзМТДП фракцияси аъзоларининг иштироки каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилади.

108-Хазорасп сайлов округидан сайланган Олий Мажлис Қонунчилик Палатаси депутати, ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси Сарвар Отамуратов сайловчилар билан бўлган учрашувларда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар, Президентимизнинг Конституция қабул қилинганнинг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси мазмун-моҳияти, қабул қилинган қонунлар ҳамда ЎзМТДП дастурий мақсадларининг ижроси борасида тўхталиб ўтди.

— Президентимиз маърузасида эътироф этилган факт ва маълумотларни эшитган ҳар қандай киши тарихан қисқа муддат ичида барча соҳаларда эришилган натижалардан қувонмаслиги, ғурурланмаслиги мумкин эмас. Маърузада, хусусан, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда

ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида кенг миқёсли ишлар амалга оширилганлиги, барча соҳаларда улкан ютуқ ва марралар қўлга киритилганлиги, халқ турмуш даражасини ошириш йўлида ибрат ва эътиборга сазовор натижаларга эришилганлиги алоҳида таъкидланди. Давлатимиз раҳбарининг маърузаси ҳар бир соҳа вакилига муайян вазифалар қўйиш баробарида алоҳида масъулият, ишонч ва куч-қувват бағишлайди. Жумладан, маърузада мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш жараёндарида сиёсий партияларнинг ўрни ва ролини кучайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилганлиги, ўз навбатида, ЎзМТДП вакиллари зиммасидаги масъулиятни янада оширади.

2-бет

Муносабат

Ватан ва халқ манфаати

ҳар нарсдан устун деган туйғу устувор бўлиши лозим

Истиқлол йилларида мамлакатимизда барча соҳаларда туб ўзгаришлар содир бўлди. Ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўналишидаги ишлар изчил давом эттирилмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизнинг барча ҳудудлари қатори Сурхондарё вилоятида ҳам кенг кўламли ислохотлар амалга оширилиб, улкан ўзгариш ва янгиланишлар рўй бермоқда. Президентимиз томонидан халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида истиқлол шарофати билан яратилган шарт-шароит ва имкониятлар натижасида Сурхон воҳасида ҳам кенг кўламли ислохотлар амалга оширилаётгани алоҳида эътироф этилди.

Дарҳақиқат, мустақиллик шарофати билан вилоятимиз миқёсида улкан ишлар амалга оширилганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Жумладан, 2013 йил якуни билан ялпи ҳудудий маҳсулот 9,4 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 6 фоизга, қурилиш ишлари қарийб 11 фоизга, пуллик хизматлар 18,5 фоизга ўсиши кутилмоқда. Вилоятда иқтисодиётнинг турли соҳа ва тармоқлари янгилаш, модернизация қилиш мақсадида 2005-2013 йиллар мобайнида барча манбалар ҳисобидан 2 миллиард 877 миллион долларлик инвестициялар ўзлаштирилди.

Бугун вилоятимиздаги шахар ва қишлоқлар қиёфаси тубдан ўзгариб, замонавий ва кўркем тус олаётир. Худудда барпо этилган замонавий корхоналар,

коммуникация тармоқлари, хизмат кўрсатиш инфратузилмлари, ижтимоий соҳа объектлари — янги мактаблар, лицей ва коллежлар, мусиқа ва санъат мактаблари, соғлиқни сақлаш ва спорт масканлари миқёсида инсон манфаатлари омилли тараққиётимизнинг асосий мезонига айланганини кўриш мумкин. Сессияда вилоятда эришилаётган улкан ютуқ ва натижалар билан бир қаторда айрим камчилик ҳамда фойдаланилмаётган имкониятларга ҳам эътибор қаратилди. Бу борада вилоятдаги мавжуд вазиятни ижобий томонга ўзгартириш учун, аввало, депутатлар, фаоллар намуна бўлиши зарурлиги алоҳида таъкидланди.

2-бет


Диққат, обуна!
«Milliy tiklanish» газетасига 2014 йил учун обуна бўлишни унутманг. Обуна барча алоқа бўлимларида қабул қилинмоқда.
Индекс: 158



2-бет

«Milliy tiklanish» газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



Келажак эгалари

уларни ёт гоълардан асраш — муҳим масала

АНДИЖОН

ЎзМТДП Андижон вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси томонидан "Глобаллашув жараёнида "оммавий маданият"нинг миллий қадриятларимиз ва ёшлар онгига салбий таъсири" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Тадбирни кириш сўзи билан очган партия вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси Комилжон Отахонов, жумладан, шундай деди:

— Бутун дунёда глобал муаммо тусини олган, ёшлар маънавиятига жиддий таҳдид солувчи "оммавий маданият"га қарши ёшларнинг маънавий иммунитетини шакллантириш бугунги куннинг долзарб вазифасидир. Шу боис, вилоятимизда партия дастурида белгиланган мақсад-вазифаларни илгари сурган ҳолда, юксак маънавиятга ва ахлоқли, эркин, масъулиятли, комил инсонни тарбиялаш, ёшларни ватанпарварлик, миллий гоёга содиқлик руҳида вояга етказиш, улар қалбда миллий гуруҳ уйғотиш, ёшларни замонавий билим, касб-кор ва мутахассисликларни эгаллашга рағбатлантириш, иқтидорли, истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни узлуксиз давом эттириш лозим.

Таъкидланганидек, айни кунда мамлакатимиз аҳолисининг учдан бир қисми, яъни 10 миллионга яқин юртдошларимиз интернетдан фойдаланмоқда. Шу боис, миллий маданиятимиз намуналарини сақлаб қолиш ва интернет орқали кириб келувчи таҳдидларнинг олдини олишда глобал тизимда ахборот хавфсизлигини таъминлаш муҳим вазифадир.

Тадбир якунида давра суҳбати қатнашчиларининг фикр-мулоҳазалари ўрганилиб, тақлифлар ишлаб чиқилди. Партияга хайрихоҳлик билдириб бир гуруҳ профессор-ўқитувчилар ва ёшларга аъзолик гувоҳномалари топширилди.

Фаол иштирокчиларга фахрий ёрлик ва эсдалик совғалар тақдим этилди.

СИРДАРЁ

Партия Сирдарё вилоят Кенгашида "Глобаллашув жараёнининг миллий қадриятларимиз ва ёшлар онгига салбий таъсири" мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

— Тезкорлик билан ривожланиб бораётган глобаллашув жараёнида "оммавий маданият"ниқоби остидаги ёт гоълар маънавиятимизга ўз таъсирини ўтказмоқда, - деди партия вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси девони раҳбари Ўткир Бурунов. — Афсуски, айрим ёшларимиз ўзлари билмаган ҳолда унинг домига тушиб қолмоқда. Бу каби тадбирлар ёш йигит-қизларни "оммавий маданият"нинг зарарли таъсирларидан асрашда ижобий натижа бериши шубҳасиз. Бу жараёнда вилоят Кенгашимиз томонидан партия дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ҳаракат қилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Тадбирда юртимиз ёшларининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, истеъдод ва маҳоратларини намоён қилишга қаратилган шарт-шароитлардан унумли фойдаланиш кераклиги эътироф этилди. Шунингдек, ёшларни ёт гоълардан асраш учун мафқуравий иммунитетни шакллантириш лозимлиги ҳамда уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш бўйича амалий тақлифлар ҳам берилди.

СУРХОНДАРЁ

ЎзМТДП Сурхондарё вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси томонидан глобаллашув жараёнининг ёшлар маънавиятига таъсирини қаратилган тадбир ўтказилди. Унда партия вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси девони ходимлари, халқ депутатлари Термиз шаҳар Кенгаши депутатлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Тадбирни кириш сўзи билан очган партия вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси девони раҳбари Сайдулла Бердишукуров, жумладан, шундай деди:

— Бугунги кунда ёшларимиз ахборот технологияларидан кенг фойдаланишмоқда. Статистик маълумотларга кўра, интернетдан фойдаланувчи ёшларнинг 78 фоизи ижтимоий тармоқлар орқали бериладиган маълумотларни ҳаққоний деб ҳисоблар экан. Бироқ интернетдаги инсон маънавиятига, ҳаётига салбий таъсир кўрсатувчи айрим маълумотлар ёшлар онгини заҳарламоқда. Бу жараёнда биз бир зум бўлса-да бепарволикка йўл қўймаслигимиз лозим. Бунда партияимизнинг сайловолди Платформасида таъкидланган ёш авлодни миллий-маънавий тарихий қадриятларимизга ҳурмат руҳида ва ўтмиш меросимизнинг ҳаққоний билимидон, замонавий билимлар эгаси этиб тарбиялаш каби устувор вазифаларни амалга ошириш айтиш мумкин. Шундай экан, ҳар бир ёш авлод қалбда миллий гуруҳ туйғусини уйғотиш бизнинг асосий вазифамиз ҳисобланади.

Таъкидланганидек, жамиятимиз таракқиёти, Ватан равнақи ёш авлоднинг илмий салоҳияти, миллий ва умумбашарий қадриятлар асосида тарбия топишига боғлиқ. Шу боис бугун мамлакатимиз ёшларига ўз истак ва хоҳишларига кўра ўқиш, билим олиш, касб-хунар эгаллашлари учун барча шароитлар яратиб берилган. Албатта, бу келажакимиз таянчи бўлган ёшларимизга юксак ишонч ва масъулиятдир.

Тадбир якунида тарбиявий аҳамиятга эга видеоролик намойиш этилди.

БУХОРО

Истиқлолнинг илк кунларидан мамлакатимизда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ва оиладаги маънавий юксалтириш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланди. ЎзМТДП Бухоро вилоят ва туман Кенгашида ўтказилаётган тадбирларда хотин-қизларнинг оиладаги мавқеи ҳамда жамиятдаги фаоллигини янада оширишга эътибор қаратилмоқда.

Партия вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси томонидан "Хотин-қизларнинг оила ва жамиятдаги ўрни" мавзусидаги тадбирда бошланғич партия ташкилотлари етакчилари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этиди.

— Мамлакатимизда аёлларга бўлган эътибор беқиёс, - деди тадбирни кириш сўзи билан очган партия вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси ўринбосари Шоира Аҳмедова. — Шунинг алоҳида таъкидлашни истардимки, партия сайловолди Платформасида, Мехнат, Оила кодекси ва қўллаб қабул қилинган норматив ҳужжатларда аёллар ҳуқуқлари, манфаатлари ва эркинликлари ҳимоя қилиниши белгиланган. Яратилган имконият ва шарт-шароитлар натижасида аёллар жамиятининг турли жаҳаларида фаоллик ва ташаббускорлик кўрсатишмоқда. Бунга партияимиз сафидаги фаол аёллар яққол мисол бўла олади. Худудий ташкилотларимиз томонидан ўтказилаётган тарғибот тадбирларида асосий эътибор аёлларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини ошириш, уларнинг жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида янада фаолроқ иштирок этишларига қаратилмоқда.

Тадбир якунида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Тўмарис АбЗАМ,
"Milliy tiklanish" мухбири

ФАОЛИЯТИМИЗ САМАРАСИ

уни янги босқичга кўтариш — давр талаби



Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси томонидан жойларда давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги "Амалга оширилган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш — ёрғ келажакимизнинг асосий омилдир" номи маърузасини партия аъзолари ва аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилишга қаратилган давра суҳбатлари ташкил қилинмоқда. Жумладан, ЎзМТДП Марказий ва Тошкент вилоят Кенгаши томонидан ўтказилган давра суҳбатида маърузада билдирилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда партия фаолияти атрофида муҳокама этилди.

Давра суҳбатини кириш сўзи билан очган партия Тошкент вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси девони раҳбари Бахтиёр Абдурахмонов мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида сиёсий партияларнинг роли ва ўрни тобора кучайиб бораётгани, бу борада маърузада билдирилган мулоҳазалар фаолиятимизни янги поғонага кўтаришни талаб этишини таъкидлади.

Тадбирда ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси ўринбосари Жалолддин Сафоев маъруза қилди. — Давлатимиз раҳбарининг маърузасида яқунлаиб бораётган 2013 йил давомида юртимизда барча соҳаларда эришилган марралар, қўлга киритилган ютуқлар эътироф этилиб, чуқур таҳлил қилинди. Маърузада айтиб ўтилган факт ва рақамлар, фикрлар ҳар биримизга масъулият юклаши баробарида ўз фаолиятимизга танқидий назар ташлашга ундайди. Айниқса, сиёсий йўналишдаги вазифалар борасида тўхталиб, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш жараёнида сиёсий партиялар ролини кучайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилади.

Дарҳақиқат, сиёсий партиялар фаолиятига оид "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни, "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партия-

лар ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий қонун ва бошқа қатор қонун ҳужжатлари партияларнинг тўла шаклланиб, жамият ҳаётидан мустақам ўрин олишига хизмат қилмоқда.

Маърузада кўппартиявийлик тизимини мустаҳкамлаш ҳамда партиялараро рақобатни кучайтириш борасидаги танқидий таҳлилий фикрлар ўз фаолиятимизга танқидий назар билан қарашни, уни янги босқичга кўтаришни тақозо қилади. Шу маънода, энг аввало, ўз йўналишимизни тўла англаган ҳолда фаолият олиб бориш, барча ишларимизни, амалга оширилаётган лойиҳа ва тадбирларимизни ЎзМТДП позициясидан келиб чиқиб ташкил этиш, партия лойиҳаларини янгилаб бориш талаб этилади. Зеро, аҳоли қатлами мамлакатимиздаги сиёсий партияларнинг бир-биридан фарқини, ўзаро ажралиб турувчи жиҳатларини амалга ошираётган ишларимиз орқали англаб етиши лозим. Бу борада партияимиз ўз сайловолди Платформаси ва Дастурида белгиланган мақсад-вазифаларидан келиб чиққан ҳолда фаолиятини такомиллаштириб бориши мақсадга мувофиқдир, - деди маърузачи.

Нотик Президентимиз маърузасидан келиб чиқиб, партия Тошкент вилоят, туман ва шаҳар Кенгашилари ҳамда депутатлик гуруҳлари фаолиятини танқидий таҳлил қилди. Эътироф этилганидек, айрим депутатлар ўз ваколат ва вазифаларини

Марҳаб ҚУРБОНОВА, халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат:

— Давлатимиз раҳбарининг маърузасини катта ҳаяжон билан тингладик. Босиси, унда 22 йиллик мустақил тараққиёт йилларида эришган ютуқларимиз, 2013 йилдаги улкан натижаларимиз чуқур таҳлил қилинди. Шунингдек, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиётда сиёсий партиялар иштирокини кенгайтириш ҳамда депутатлик бирлашмалари фаоллигини ошириш, уларнинг аҳолини ўйлантираётган муаммоларни ҳал қилишдаги ролини кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилгани, ўз навбатида, биз депутатларнинг масъулиятини янада оширди. Бугунги давра суҳбатида билдирилган танқидий таҳлилий фикрлар эса келгуси фаолиятимизни янги босқичга кўтаришда муҳим аҳамият касб этади.

Шухрат ТОШКУЛОВ, ЎзМТДП Оққўрғон туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси:

— Бугунги давра суҳбатида баён қилинган фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, янги йилда партия туман Кенгашимиз фаолиятини танқидий таҳлил қилишга, сайлов жараёнига пухта тайёргарлик кўришга эътибор қаратамиз. Жумладан, партияимизнинг сайлов жараёнидаги муносиб иштирокини таъминлашда кадрлар ва номзодлар масаласи муҳим эканлигиндан келиб чиқиб, бу борадаги саъй-ҳаракатларимизга алоҳида урғу беришга интиламиз.

Ташаббус ва натижа

Депутатлик сўровлари

электорат манфаатини таъминлаётими?

Халқ вакили сифатида партия ва жамоатчилик ҳамкорлигини таъминлашда маҳаллий кенгаш депутатларининг ўрни муҳим. Чунки депутат халқ орасида яшайди, унинг муаммолари билан танишади, ечимини топишга ҳаракат қилади. Халқ депутатлари Самарқанд вилоят, шаҳар ва туман Кенгашиларига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар жойларда турли учрашув ва суҳбатлар ўтказиб, электоратни ўйлантираётган муаммолар ечимини топишда ўз ваколатидан келиб чиққан ҳолда ҳаракат қилишмоқда. Партия гоълари тарғиботи тўғри ва самарали йўлга қўйилгани боис, партия ташкилотлари ва депутатларга мурожаатлар сонини орттириб бормоқда.

Дарҳақиқат, бугун мамлакатимизда фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида олиб борилаётган ислохотлар ўз натижасини кўрсатмоқда. Фуқаролар ўз ҳақ-ҳуқуқини англаб, турли масалаларда партия ташкилотлари ва депутатларга мурожаат қилишмоқда. Бу масалалар юзасидан депутатларнинг турли ташкилотларга киритилган депутатлик сўровлари аксарият ҳолларда ижобий натижасини топапти. Бу, ўз навбатида, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда депутатларнинг ҳиссасини оширмоқда. Шунингдек, партия электорати манфаатлари таъминланиб, улар учун қўлайликлар яратилаётган. Халқ депутатлари маҳаллий кенгашлар сессияларига ЎзМТДП депутатлик гуруҳлари томонидан киритилаётган ташаббус-масалалар ҳудудлар тараққиётига хизмат қилаётган бўлса, депутатлик сўровларининг ижобий ҳал этилиши фуқаролар, партия электро-

рати ва ижтимоий қатлами манфаатларини ифода этмоқда. Фикримизни далиллар билан давом эттирсак. Жорий йилнинг сентябрь ойида бир гуруҳ меҳнат фахрийлари халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП депутатлик гуруҳига мурожаат қилган. Мурожаатда вилоят дорихоналарида дорилар сифатининг талаб даражасида эмаслиги ва нарх-навосининг бирмунча юқорилиги, бу эса нафақахўр ҳамда меҳнат фахрийлари учун ноқулайлик ва муаммо туғдираётгани ўз аксини топган. Ушбу мурожаат юзасидан депутатлик гуруҳи раҳбари Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи С.Холматов ҳамда Солиқ инспекцияси вилоят бошқармаси бошлиғи Ҳ.Шайқировга депутатлик сўрови киритилди. Натжида, мазкур ташкилотлар ва вилоят телевидениеси ҳамкорлигида дорихоналарда дорилар сифати ва уларнинг нарх-наволари

бўйича танқидий-таҳлилий кўрсатув тайёрланиб, эфирга узатилди. Бу билан масаланинг энг оддий ечимини топилди. Фуқаролар мурожаати депутатлик гуруҳи аъзоларини фаоллик ва депутатлик масъулиятини ҳис этишга ундамоқда. Халқ вакили сифатида улар билан доимо ёнма-ён бўлишга, дарду-қувончини баҳам кўришга имкон яратмоқда. Хусусан, жорий йилнинг июль ойида аҳоли мурожаатларига асосан, Қўшработ тумани Қовунчи ва Нариман худудлари ҳамда Оқчобсой (Қўшработ) ва Самарқанд автобус йўналишини ташкил этиш бўйича халқ депутатлари вилоят Кенга-

- **Вилоят дорихоналари фаолияти танқидий-таҳлил этилди**
- **Қўшработ-Қовунчи-Нариман ҳамда Оқчобсой-Самарқанд йўналишида автобус қатнови ташкил этилди**
- **Экологияни сақлаш ва экотуризмни ривожлантириш — депутатлар эътиборида**
- **Худудда туризмни ривожлантириш миллий ҳунармандчилик ва сервис соҳаси тараққиётига ҳисса қўшади**

шига ЎзМТДПдан сайланган депутат Н.Усмонов "Самарқандтранс" автомобилда юк ва йўловчи ташкил бошқармаси бошлиғи И.Ҳамраевга депутатлик сўрови юборди. Сўровга жавобан Қўшработ-Қовунчи-Нариман ҳамда Оқчобсой-Самарқанд йўналиши бўйича автобус қатнови ташкил этилди. Бу эса нафақат партия электорати, балки худуд аҳолисига қўлайлик яратмоқда. Таъкидлаш жоизки, ЎзМТДП сайловолди Платформасида табиат ва табиий ресурсларга нисба-

тан асраб-авайлаб муносабатда бўлиш, улардан хозирги ва келгуси авлодлар манфаати йўлида оқилона фойдаланиш устувор вазифа сифатида белгиланган. Ушбу дастурий мақсад ва вазифаларни амалга оширишда депутатлик гуруҳи аъзоси Н.Усмоновнинг депутатлик сўрови муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, Қўшработ тумани аҳолиси мурожаатига асосан, худудда Фозилмон ўрмон ҳўжалигини яратиш бўйича Республика ўрмон ҳўжалиғи бош бошқармасига депутатлик сўрови юборилди. Унинг ижобий ҳал этилгани айтиш мумкин бўлди. — Қадим ва навқирон Самарқанд дунё тамаддуни бешиғи сифатида эътироф этилади, - дейди халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП депутатлик гуруҳи аъзоси Н.Усмонов. — Шу боис қадим шаҳримизни зиёрат ва томоша қилиш истагини дунёнинг турли бурчакларида сайёҳлар ташриф буюради.

Демакки, вилоятда туризмни ривожлантириш масаласи доимо долзарб ҳисобланади. Сентябрь ойида "Ўзбектуризм" Миллий компанияси Самарқанд вилоят бўлими бошлиғи И.Сувонюга киритилган депутатлик сўровимизда бугунги кунда вилоятда туризм соҳасини ривожлантириш борасидаги муаммолар ва уларнинг ечимини ўз аксини топди. Айни пайтда мазкур депутатлик сўровида на-

ижобий ҳал этилиши партия сайловолди Ҳаракат дастурида белгиланган туризмни ривожлантиришга кўмаклашиш вазифасини амалга оширишга ҳисса қўшиши шубҳасиз. Шунингдек, вилоятда туризмни ривожлантириш партия дастурий мақсадларидан саналган миллий ҳунармандчиликнинг барча турлари ва сервис соҳаси ривожига ҳам муҳим аҳамият касб этади. Масалани биргина халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар фаолияти мисолида таҳлил қилдик. Эътибор қаратадиган бўлсак, бу борада санокли депутатлар фаоллик кўрсатишмоқда. Ваҳоланки, халқ депутатлари вилоят кенгашида 9 нафар депутатдан иборат депутатлик гуруҳи фаолият кўрсатади. Зеро, сиёсий партиялараро рақобат жараёни депутатлик гуруҳининг барча аъзоларидан фаоллик, ташаббускорлик ва масъулият талаб

этади. Фуқаролар мурожаатига асосан тегишли ташкилотларга депутатлик сўровларини киритиш ва унинг ижобий ҳал этилишига эришиш ҳақида қайғуриш лозим. Сўровлар электорат манфаатларини қай даражада ифода этади, унинг амалий натижаси талаб даражасидами, деган саволлар атрофида ҳам фикр юритиш депутатлар зиммасидаги вазифа эканлигини унутмаслик даркор.

Шоҳида ДАМАНОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Маънавият

Бугуннинг гапи

ЭГНИМИЗДАГИ ЎЗЛИГИМИЗ

Ҳар бир халқнинг ўз миллий либоси, урф-одати, қадриятлари бўлади. Бу миллийликлар ўша заминнинг иқлими, тупроғининг хосияти, халқининг диди, қобилияти, амалдаги санъатининг ҳосиласи, аслида. Бизнинг ҳам бу борда дунё одамлари ҳавас қилувчи миллий либосу урфларимиз, қадриятларимиз, ўз миллий таомларимиз, спортимиз, ҳатто ўйинларимизгача бор.

Мен бугун фақат миллий либосларимиз ва уларга муносабатимиз ҳақида фикр юритмоқчиман. Келинларимиз, қизларимизнинг кўрган кўзларини яшатиб қиядиган атласу адрас кўйлақларини, гипча бел нимчаларини, қирқ ўрм сочларига чирой берган оқлар дўппиларини, момоларимизнинг кўкрак бурма, ёпиқ бўйин кўйлақларини, бахмалдан белёпар камзулларини, йигитларимизнинг тўртта тепа гули қалампирнусха, ўн олти ярим ой шаклидаги кизак гулли дўппилари-ю, оқ ятак, бекасам тўнларини, кийик қош, гунгура, печак чоқли қилиб тикилган, чеваройимнинг дил изхоридай турувчи шоҳи чорсиларини, оёғидаги табиий чарм, хром этикларини кўрганлар, кўнглидан беихтиёр “булар ўзбеклар”, деган фикр ўтади. Шўкр, жаҳон айвонида ўз исми-миз, давлатимиз, тилимиз, сурату сийратимиз бор.

Тупроғимизу иқлимимиз хосияти боис юртимизда минг хил набототу гуллар, дарактлар ўсади. Уларнинг биттаси ТУТ. Элимиз тут баргини озук қилиб ипак курти боқади. Пилладан ипак яратиб дастгоҳларида атласу шойига айлантиради. Камалак рангларидан бисёрроқ жилоланиб турувчи бу матони матосидай гўзал қизлари ва келинлари га кўйлақ қилиб кийдиради. Шу қизларнинг оқлар, ироқи дўппилари ҳам чамандаги гуллар андозаси ила мана шу ипақдан тикилади.

Хосиятли тупроқ набототларининг яна бири ўсма, бири гулхно. Уларни қошу киприқнинг малҳам озиги дея пардоз воситасига айлангани ҳам ўзига хос яна бир миллийлигимизга асос бўлган. Худди шундай еримиз саховати, элимиз меҳнати билан пайдо бўлган ип матоларимиз оқ ятакка, чорвачилик билан шуғулланиб олинган тери, чармимиз этикларга айланиб, миллий ўзлигимиздан гапира бошлаган.

Сўзласам фахр қамрайди дилимни, аммо бугун ўша кийимларимизни кундалик ҳаётимизда кўравермаймиз. Улар гўё санъаткорларимизнинг саҳна кийимига айланиб қолгандек.

Яқинда пойтахтдаги сиҳаттоқлардан бирида дам олувчилар учун санъаткорлар таклиф қилинди. Шундай концертларда раққосларимиз (ноқулай бўлса ҳам айтай) рақсни тугатиб шундоқ саҳна ортга ўтдилару, шойиб улама сочларини еча бошладилар. Баъзан дастхат сўраб келган мухлислар олдида ҳам бу ишдан хижолат чекмайдилар. Наҳотки миллий либосларимиз фақат саҳна учун бўлса.

Шу ўринда Ўзбекистон халқ артисти Муножот Йўлчиевага ҳавас қиламан. Унинг узун соҳлари ўттиз йилдан бери улама кўргани йўк. Бошидаги дўпписини, эғнидаги шарқона либосини ҳам шундай ҳурмат билан қиядики, то концерт майдонидан батамом кетгунча кийимларини алмаштирмаган ҳолати кўп бўлган. Бу — миллийликка, ўзи тарғиб қилаётган мумтоз адабиёт ва санъатга, унинг эгаси бўлган элимизга ҳурмат ва эҳтиромдир.

Замира РЎЗИЕВА,
шоира

Олтин мерос



Музейлар — бой тарихимиз

бетакрор маданиятимиз хазинаси

Аждодларимиз тафаккури, ақли закосининг намунаси бўлмиш қадимги тошғезув ва битиклар, нодир кўлэмалар, тарих, адабиёт, санъат, илм-фан ва бошқа соҳаларга оид қимматбаҳо асарлар, ноёб ашёлар, халқ-ҳануз ўз кўркини сақлаб келаятган осори-атиқалар авлодларни баҳраманд этиши мақсадида музейларда кўз қорачигидек сақланади. Музейлар аждодларимизнинг авлодларга қолдирган муносиб меросини тарғиб қилувчи, бизни неча минг йиллик илдишларимиз билан боғловчи, шунингдек, бугунги ривожланиш ва тараққиёт давраларини ўзида акс эттирувчи, ўзлигимизни намоен этувчи бой маънавий хазина ҳамдир.

Ватанимизнинг кўп асрлик тарихий мероси ва мустақиллигимиз одимларини акс эттирувчи ноёб, нодир экспонатларда ифода этилган теран фикр ва ғоялар, ҳаёт фалсафаси бардавомлигини кўрганда ўзлигимизни чуқурроқ англаймиз, маънавий улғаймиш, дилимизда она юртимизга нисбатан чексиз ҳурмат ва фахр ҳиссини туямиз. Шу маънода музейлар инсон маънавий-ахлоқий камолотида бекиёс ўрин тутуди, десак янглишмаган бўламиз.

Мустақиллик даврида аждодларимиз хотирасини абадийлаштириш, уларнинг бой маданий мероси, тарихий ёдгорликларни авлодларга етказиш, музейлар фаолиятини ривожлантириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Мустақиллик шарофати билан Олимпия шон-шухрати музейи фаолият бошлади. Музей экспозициясининг асосини мамлакатимизда спортга бўлган юксак эътибор, спортчиларимизнинг олимпия ва халқаро миқёсда эришган юксак натижалари акс этган экспонатлар ташкил этади.

Мамлакатимизда яна бир тарихий воқеа — Қатагон қурбонлари хотираси музейининг очилиши бўлди. Мазкур музей мустабид тузумда оммавий қатагон тўфайли қурбон бўлган, инсонлик шаъни, кадр-қиммати топталган ватандошларимизнинг хурмати ва хотирасини эъзозлаш, абадийлаштириш, ёш авлодининг она Ватанга муҳаббат, садоқат туйғуларини кучайтириш борасида муҳим аҳамиятга эгадир.

Янги қурилган музейлардан яна бири — Термиз археология музейидир. У Ўрта Осиёдаги ягона археология музейи бўлиб, шарқона меъморчилик услубида қурилган музейдан Сурхондарё вилояти худудидан топилган эҳ қадимги одамларнинг тош қуролларидан тортиб, моҳир усталар қўли билан ясалган санъат асарларигача ўрин олган. Бу ерда моддий ва маънавий қийматга эга бўлган 27000 дан ортиқ ашёлар сақланади. Шунингдек, ўтган йиллар давомида Ўзбекистон давлат



табиат музейи, Амалий санъат музейи, Санъат музейи, Маданият ва санъат кўргазмаси, Наманган Улкан ширинчи музейи, Самарқанд шаҳридаги Мирзо Улуғбек музейи ва бошқа кўлаб музейлар тўлиқ таъмирланди. Айрим музейлар эса янги бинога кўчирилди. Ташриф буюрувчиларга қулайликлар яратиш мақсадида музейларимиз замонавий сенсорли

лида билан жиҳозлаш, музей ишини тубдан яхшилашга қаратилган эътибор натижасидир. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан музейлар ишининг ягона тизимини вужудга келтириш, улар фаолиятини мувофиқ буюрувчиларга қулайликлар яратиш мақсадида музейларимиз замонавий сенсорли

- **Музейларда энди аждодларимиз ҳақидаги видеолавҳаларни ҳам томоша қилиш мумкин**
- **9 ойда 2,7 млн киши**
- **Ҳафталик доирасидаги тадбирларда 60 га яқин халқ ҳаваскорлик жамоалари иштирок этди**

киосклар, зарурий техник жиҳозлар билан таъминланди. Эндиликда зиёратчилар нафақат экспонатларни, аждодларимиз ҳақидаги видеолавҳаларни ҳам томоша қилишга мушарраф бўладилар. Буларнинг барчаси давлатимиз томонидан янги музейларни ташкил этишга ҳамда мавҳуд музейларни таъмирлаш, экспозицияларини замонавий асбоб-ускуна-

ҳолича сақлаб қолиш мақсадида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимидаги музейларда аҳолини бебаҳо ва бетакрор экспонатлар билан таништириш, ёшларни она Ватан ва аждодлар меросига муҳаббат руҳида тарбиялаш, мустақилликни асраб-авайлаш туйғуларини мустақкам қарор топтиришга қаратилган

ишлар кенг қўлабда олиб борилмоқда. Жорий йилнинг 9 ойи давомида музейлар томонидан 2,7 млн кишига хизмат кўрсатилди. 60 305 маротаба экскурсия ўтказилиб, 7 772 маротаба турли мавзуларда маърузалар ўқилди. Музейларда 974 та, музейлардан ташқарида 692 та кўргазма ташкил қилинди.

18 май — Халқаро музейлар куни муносабати билан ўтказилган “Музейлар — тарих кўзгуси” мавзудаги музейлар ҳафталигидаги қатор маданий-маърифий тадбирларга кенг жамоатчилик жалб қилинди. Ҳафталик давомида бебаҳо музей коллекциялари асосида ташкил этилган янги экспозициялар ўзига янада кўпроқ саёҳатчилар, айниқса, ёшларни жалб этди. Ҳафталик доирасида ўтказилган тадбирда 60 га яқин халқ ҳаваскорлик жамоалари иштирок этди.

Эришилган ижобий натижалар, тўпланган тажрибалардан келиб чиқиб, ёш авлод онгида бой тарихимизга эҳтиром ҳиссини уйғотиш, аждодларимиз қолдирган бетакрор маънавий меросини авайлаб-асраш каби фазилатларни шакллантириш мақсадида 2013 йилнинг ноябрь ойида “Музейлар - бой тарихимиз ва бетакрор маданиятимиз хазинаси” мавзуда музейлар ойлиги ўтказилди. Музейлар ойлиги давомида нафақат музей ходимлари, балки юртимизнинг обрў-эътиборга эга бўлган олимۇ ёзувчилари, rassom, хунарманд ва санъаткорлар ўз маъруза ва санъат асарлари билан фаол иштирок этдилар.

Музейлар ёш авлодга ўзликни англаш, аждодларидан фахрланиш, бугун ҳукм сураётган тинчлик, осойишталик ва фаровонликка нисбатан шукроналик, она Ватанга муҳаббат ва унга муносиб фарзанд бўлиш ғояларини сингдиради. Вазирлик тизимидаги музей-

ларда олиб борилаётган ишлар халқимиз, униб-ўсиб келаятган фарзандларимизнинг онг шуурида инсоний фаилулатларини қарор топтириш, уларнинг маънавий оламини кенгайтиришда катта тарбиявий аҳамиятга эга экани билан эътиборлидир.

Дилфуза РЎЗИЕВА,
“Milliy tiklanish” мухбири

Санъат

Кўғирчоқ театри

яхши асар томошабинини топади

публикаимиздаги ўн та кўғирчоқ театри жамоаси иштирок этди. Тадбир доирасида “Ўзбекистонда кўғирчоқ театри санъати: ютуқ ва муаммолар” мавзуда илмий-амалий анжуман ўтказилди. Республика кўғирчоқ театри ушбу фестивалда “Юлдузли бола” асари билан иштирок этди.

Театр репертуаридан “Яна Андерсен”, “Фотиманинг саргузаштлари”, “Бувимнинг кўғирчоғи”, “Ҳозир”, “Уч қувноқ чўчкача”, “Нухот бола”, “Юлдузли бола”, “Баҳромнинг мероси”, “Эх, бу Хўжа Насриддин”, “Куёш нурчаси” каби эътиборга лойиқ асарлар ўрин олган. Бу спектаклларнинг барчаси болажонларимизни эзгуликка ундаши шубҳасиз.

Жамоага Рашид Исмоилов бадиий раҳбарлик қилмоқда. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Карима Жабборов ва, Дилфуза Ҳасанова, Олим Атабаев, ёшлардан Орифхон Абдураев, Дилдора Шерматова, Отабек Исоқов каби актёрлар фаолият олиб бормоқда. Театрнинг бош режиссёри Шаҳноза Эшмухаммедова ҳамда узоқ йиллардан бери фаолият олиб бораётган режиссёр Динара Йўлдошева янги асарлар устида изланишпти. Театрда ҳам ўзбек, ҳам рус труппаси ташкил этилган. Томошабинлар саҳна асарларини икки тилда томоша қилиш имкониятига эга. Театрдаги иккита цехда саҳна жиҳози ва кўғирчоқлар ясалади. Бундан ташқари Ўзбекистон санъат ва маданият институтидаги кўғирчоқлар ясадагани махсус цех билан ҳам яқин ҳам-

корлик йўлга қўйилган. Театрнинг томошалар залига кираверишда кўғирчоқлар музейи ташкил қилинган. Музейда спектаклларда иштирок этадиган кўғирчоқлар ўрин олган бўлиб, улар орасида симли, трюсли, планшетли, қўлқопли кўғирчоқларгача бор. Болажонлар томошадан олдин ёки сўнг, албатта, кўғирчоқлар билан танишиб чиқадилар.

Театр ижодий жамоаси сўнгги йилларда Мексика, Ҳиндистон, Покистон, Афғонистон, Франция, Германия, АКШ, Миср, Россия каби давлатларда бўлиб ўтган

- **Театр — болалар учун сирдош ва маслаҳатчи**
- **IX аънавий фестиваль актёрларни ўз устида янада кўпроқ ишлаш ва ижод қилишга ундади**
- **Театр ўнга яқин мамлакатда бўлиб ўтган халқаро фестивалларда иштирок этди**
- **Болалар учун янги йил совгаси тайёрланди**

халқаро театр фестивалларида иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллашга мушарраф бўлди. Ижодий жамоа янги йил арафасида болажонларга “Дюмчакон”, “Куёшжон ва қор одамчалар”, “Сирли пақилдоқ” каби спектаклларни совға қилиш учун қизғин тайёрларлик кўрмоқда.

Орифхон АБДУРАЕВ,
театр актёри:
— Тўғри, ҳар бир соҳанинг ўзига яраша машаққати бўлади. Бирок,

кўғирчоқ театри актёри бўлиш чиндан-да мушкулроқ. У жонсиз кўғирчоқдан образ яратишга ҳаракат қилади. Баъзан бир кўғирчоқни икки-уч нафар актёр бошқаради. Ширма ортида кўғирчоқни соатлаб кўтариш, куч, ақл, абжирлик билан ҳаракатга келтириш ва овоз бериш талаб этилади.

Фарҳод МИРЗАЕВ,
театр режиссёри:
— Яқинда саҳналаштирилган “Куёш нурчаси” асарини томошабинлар катта

қизиқиш билан кутиб олдилар. Асар ўзбек ва рус тилларида намойиш этилмоқда. Зал томошабин билан янада гавжум бўлди. Бугунги кун томошабини театрдан янги мавзу, ғоя ва қарашларга бой асарларни кутади. Шу боис театр жамоаси имкони борича, профессионал даражадаги саҳна асарларини қўйишга интилмоқда.

Ойдин АЛИМАРДОНОВА
“Milliy tiklanish” мухбири

Миллий гурур

“Миллатим — гурурим, ифтихорим менинг”

**дейди мамлакатимизда аёллар ўртасида биринчи халқаро
гроссмейстер, “Ўзбекистон ифтихори” унвони соҳибаси
Нафиса МҮМИНОВА**

— Дунёдаги энг бахтли кизман, десам нокамерликка йўманг. Чунки, 23 ёшимда Президентимиз Фармонига биноан “Ўзбекистон ифтихори” унвонига сазовор бўлдим. Бундай юксак эътирофга лойиқ амалий ишларни бошқа мамлакатларда кузатмайси. Унвон олган куним хориждаги дўстларимга ушбу қувончли хушхабарни интернет орқали етказдим. Очиғи, улар ўз хавасларини яширишмади. Бундан маълумки, ҳеч бир халқ ўзбегимга ўшармайди, ҳеч бир юрtdа ёшлар биз каби эъзоз топмаган.

топилгани бунга яққол мисол бўла олади. 2008 йили Россиянинг Нальчик шаҳрида шахмат бўйича аёллар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатининг финал қисмида қатнашдим. Ўйин бошланишидан олдин “Ўзбекистондан илк бор аёл кишининг иштироки” дея эълон қилинар эканман, ичтимдан ўзбек эканимдан фахрланиб кетдим. Хар доим ўйин бошлашимдан аввал кўз олдимга галаба қозонишимни кутаётган ота-онам, ватандошларим келади. “Мен шунчаки шахмат доналарини сурмаёман, Ватаним шаъни учун курашяман” деган ўй мени олға интилишга, юксак натижаларга ундайди.



1990 йил Фарғона вилоятининг Ўзбекистон туманида тутилганман. Шахматга бўлган қизиқишимга асосий сабаби, илк устозим — дадам бўлди. Спортга 9 ёшимда кириб келдим. Дадам синглим иккимизни Куқон шаҳридаги шахмат клубига олиб борди ва бизга Анваржон Алиев устозлик қила бошлади. Шу кунга қадар эришган ютуқларимнинг барида уларнинг ҳиссаси бекиёс. Фурсатдан фойдаланиб уларга ўз миннатдорчилигимни билдираман.

1990 йил Фарғона вилоятининг Ўзбекистон туманида тутилганман. Шахматга бўлган қизиқишимга асосий сабаби, илк устозим — дадам бўлди. Спортга 9 ёшимда кириб келдим. Дадам синглим иккимизни Куқон шаҳридаги шахмат клубига олиб борди ва бизга Анваржон Алиев устозлик қила бошлади. Шу кунга қадар эришган ютуқларимнинг барида уларнинг ҳиссаси бекиёс. Фурсатдан фойдаланиб уларга ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Мамлакатимизда спортга бўлган эътибор жуда юқори. Вилоятларимизнинг чекка-чекка худудларидаги мутахассис спорт ишновотлари кўзни қувнади. Ёшлар учун яратилган имкониятлар чексиз. Мен каби оддий қишлоқ қизининг шундай юксак муқофотга лойиқ

топилгани бунга яққол мисол бўла олади. 2008 йили Россиянинг Нальчик шаҳрида шахмат бўйича аёллар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатининг финал қисмида қатнашдим. Ўйин бошланишидан олдин “Ўзбекистондан илк бор аёл кишининг иштироки” дея эълон қилинар эканман, ичтимдан ўзбек эканимдан фахрланиб кетдим. Хар доим ўйин бошлашимдан аввал кўз олдимга галаба қозонишимни кутаётган ота-онам, ватандошларим келади. “Мен шунчаки шахмат доналарини сурмаёман, Ватаним шаъни учун курашяман” деган ўй мени олға интилишга, юксак натижаларга ундайди.



2013 — “Обод турмуш йили” ҳам ниҳоят бормоқда. Утган қисқа вақт ичида ҳаётимизнинг барча соҳаларини обод этиш, юртимиз фаровонлиги ва халқимиз турмуш даражаси сифатини ошириш борасида кўплаб ибратли ишлар амалга оширилди. Хусусан, давлатимиз томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу эътибор тўғрисида кўплаб ташаббускор ва ғайратли ишбилармонлик мухити ва тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун зарур шарт-шароитларнинг яратилганлиги муҳим омил бўлган.

Мамлакатимизда банк соҳасини тақомиллаштириш, молия муассасаларининг мижоз билан ишлаш жараёни янада яхшилаш мақсадида олиб борилаётган илохотлар бугун ўз самарасини бермоқда. Бундай ижобий ўзгариш ва муваффақиятларни юртимиздаги йилги молия муассасаларидан бири “Микрокредитбанк” очик акциядорлик тижорат банки фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Бунинг учун “Микрокредитбанк” ОАТБ ўз мижозларига талай имкониятлар яратишга тайёр. Айниқса, қишлоқ жойларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириши ўзининг асосий вазифаларидан деб билади.

— Илгарилари қишлоқ жойларда тадбиркорлик қилишининг ўзи осон бўлмаган, дейди Олот туманидаги “Машхурбек ноилари” хусусий фирмаси раҳбари Бахтиёр Болтабоев. — Бирок ҳозирги кунга келиб, тадбиркорлик фаолиятига кенг йўл очиб берилди. Хусусан, тижорат банклари томонидан тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш сифати йил сайин ошмоқда. Мисол учун, яқинда “Микрокредитбанк” ОАТБ биз-

нинг қишлоқ фуқаролар йиғинининг оғирини енгил қилди. Очиғи, нон пишириш цехини ташкил этиш олдидан дастлабки маблағга эҳтиёж сезилган эди. Имтиёзли микромолиялаштириш ҳақида эшитишимиз билан тўғри “Микрокредитбанк” бўлимига мурожаат қилдик. Банк мутахассисларининг маслаҳати ва кўмағида бизнес режа тузиб, шу асосда корхонага 21 миллион сўмлик кредит олдик. Шунга алоҳида эътироф этиш лозимки, бошқа тижорат банклари қараганда биз айтган кредит бўйича йиллик фойиз ставкаси паст ҳисобланиши билан ажралиб туради.

“Milliy tiklanish” мухбири Тўмарис АбЗАМ тайёрлайди

Реклама ўрнида

МИКРОСАРМОЯЛАР — КИЧИК БИЗНЕС ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДА



(ЎзА) олган сурат.

томонидан кўрсатилган молиявий ёрдам муваффақиятли бизнеснинг асосий шартларидан ҳисобланади. Анча вақтдан буён тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келаман. Республикада тадбиркорлик субъектлари учун етарли шарт-шароитлар яратиб берилган. Бунга ўз тажрибам мисолида амин бўлдим. “Микрокредитбанк”дан 31 миллион сўм миқдорда кредит берилган бўлса, уни корхонам кенгайтириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва махсулот сифатини яхшилаш учун зарур хомашёларини харид қилишга йўналтирдик. Натижада, сотиб оладиган махсулотларимиз ҳамми, сифати ошди. Фабрикасимиз томонидан ишлаб чиқарилаётган макарон махсулотларига ички бозорда талаб катта. Шу қатори соф фойдамиз йил сайин ошиб бормоқда. Бундан ташқари, янги иш ўринларини яратиш имонига эга бўлдик.

Аёлларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш “Обод турмуш йили” давлат дастурининг асосий йўналишларидан бирига айналди. Шу мақсадда, республикамизда бўйлаб қатор семинар ва тарғибот тадбирлари ташкил этилиб, уларда тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш истагида бўлган юзлаб хотин-қизлар иштирок этишди. Турли лойиҳалар доирасида касб-хунар коллежлари битирувчилари ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасида ҳам муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Бош Қомусимиз — Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллигига бағишлаб ўтказилган таътанали маросимда Президентимиз Ислам Каримов мавриза қилиб, якунига етиб бораётган “Обод турмуш йили”да амалга оширилган ишлар якуни, кириб келаётган янги 2014 йил — “Соғлом бола йили” да баъжарилган лозим бўлган асосий вазифаларга атрафлича тўхталиб ўтилар.

“Хамкорбанк” очик акциядорлик — тижорат банки ташкил этилганга йигирма икки йил тўлган бўлса, айтиш жоизки, ўтган даврда у мамлакатимиз молия бозорига мустақам ўрин эгаллаб, ўз мижозларига намунали хизмат кўрсатувчи тузилмага айланди. Банк жорий “Обод турмуш йили” Давлат дастурида белгилаб берилган устувор йўналишлар ижросини таъминлаш борасида қизгин фаолият олиб борди. Хусусан, иш билан бандликни ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерликни янада ривожлантириш, оилаларни янада мустақамлаш ҳамда аёлларни иқтисодиётнинг турли тармоқлари ва соҳала-

Фаолият

“Pastdarg‘om tikuvchi”

109 нафар хотин-қизни иш билан таъминлади

— Уй шароитида тикувчилик билан шуғуллансам-да, бирор бир корхонада ишлаш кўп йиллик ораим эди. Туманимизда тикувчилик фабрикасининг очилгани айни мудоао бўлди. Хозир шу ерда ишляпман, шароит яхши, ойлик маошимизни ўз вақтида беришяпти.

“Pastdarg‘om tikuvchi” масъулияти чекланган жамияти ишчиси Дилдора Тоированинг эътирофи этганича бор. “Тулод” машиш хизмат уйи биноси ўрнида барпо этилган мазкур корхонага “Ўзмарказимпекс” акциядорлик компанияси таъсисчилик қилди. Бинонинг қўрмак, кенг ва шинам бўлиши, замонавий тикувчилик дастгоҳлари билан таъминлангани учун компания 1 миллиард 15 миллион сўмлик маблағ сарф-

Реклама

Барқарор ва ишончли

“Хамкорбанк” мижозларга қулайлик яратишни асосий мақсад қилган

ридаги фаолиятини муносиб рағбатлантириш, уларнинг ўз иқтидорини намойён этиши ва уй-рўзгорда ишларини енгиллаштириш учун қулай ижтимоий маиший шароитлар яратиш чора-тадбирларини амалга ошириш асосий йўналишлардан бири ҳисобланади.

Республикамиз молия-банк тизимида жадал илохотлар жараёни кенгайтган бўлгани даврада мижозларга ҳар томонлама қулай ва тезкор хизмат кўрсатиш банкнинг муваффақиятларини гаровидир. Шу боис эндиликда “Хамкорбанк” мутахассислари аҳолига хизмат кўрсатишда замонавийликка алоҳида эътибор қаратмоқда. Хусусан, аҳоли омонатлари, пул ўтказмалари, коммунал тўловларини қабул қилиш, кредитлар ажратиш, пластик карточаларни муомалага чиқариш, умуман, кўрсатилаётган барча хизматлар “Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун” тамойилига асосланганлиги билан аҳамиятлидир. Айниқса, пластик карточаларга бўлган талабнинг ортиши му-

таҳассислар зиммасига катта масъулият юкламоқда. Эеро, бундан ўн йил муқаддам ўзига хос янгиликдек туюлган пластик карточалар бугунги кунга келиб деярли ҳар бир кишининг кундалик эҳтиёжига айланган улгурди.

“Coscom”, “Baraka teks”, “Shinkontaktorg” хорижий корхоналари, Республика “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, “Dawson Plast”, “Color iptv” қўшма корхоналари айнан “Хамкорбанк”нинг пластик карточаларидан фойдаланаётган мижозлар сирасига қиради.

Қозимжон ТУРСУНОВ, “Asia elegant star” МЧЖ раҳбари:

— Бир неча йиллардан буён “Хамкорбанк” мижозимиз. Сўнгги йилларда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик соҳасида янада қулайликлар яратилди, десам адашмайман. Бугунги кунда банк ўз хизмат турлари, кам фойзлик микрокредитлари билан иқтисодиётнинг

барча соҳаларини қамраб олишга эришмоқда. Ходимлар жойларга чиқиб фермер, тадбиркорлар учун ўқув семинар ва тренинглар ҳам уюштирмоқда. Бу билан бизнинг ҳуқуқий саводхонлигимиз ошиб, банк, молия соҳасида чиқарилаётган қарор ва фармонлар билан таъминлиб бораёламиз.

Булардан кўриниб турибдики, “Хамкорбанк” бугунги кунда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, коммунал тўловларини қабул қилиш, кредитлар ажратиш, пластик карточаларни муомалага чиқариш, бора-сида муайян тажрибага ҳамда молия бозорини янада кенгайтиришга иқтисодий илохотларини муваффақиятчи амалга ошириш, юрт ободчилиги ва халқимиз фаровонлиги жараёнида муносиб иштирок этмоқда. Бу эса мижозларнинг “Хамкорбанк”га бўлган ишончини оширади ва уларнинг яқин кўмақдоши бўлишига хизмат қилади.

Нурали ЙЎЛДОШЕВ

551 миллион сўмлик махсулот ишлаб чиқарилди. Ишлаб чиқаришда асосан маҳаллий хомашёлдан фойдаланаётган корхона ички бозор таъминотини ҳам йўлга қўйди. Бунинг натижаида корхона ва муассасалар учун махсус кийимлар, мактаб формалари ишлаб чиқарилаётган. Фирма дўкони ташкил этилиб, кенг ассортиментдаги махсулотлар сотилиши аҳолига манзур бўлмоқда. Сабаби, кийим-кечкаларнинг сифати ва дизайнига кафолат бор. Йилига 1 миллион дондан зиёд болалар кийим-кечкалари тикиш қувватига эга корхонада, асосан, ёшлар меҳнат қилади. Яқинда корхонага 30 нафар касб-хунар коллежларини тамомлаган қизлар ишга қабул қилинди. Иш унумини таъминлаш мақсадида етарли шарт-шароит яратиб берилган. Ишчи-ходимлар учун иссиқ оқват, йўл пули берилди. Яхши ишлаган, режими ошмиги билан бажарганлар иш ҳақидан ташқари муқофотлар билан тақдирланади. Ишчи-хизматчиларга кўрсатилаётган бундай ғамхўрликлар боис иш уну-ми кундан-кунга ошиб бормоқда.

Ориф ҲОЛИҚУЛОВ, “Milliy tiklanish” мухбири

фото асоб-усқуналар, компьютер ва оргтехника зарур эди. Уларни харид қилишга менда маблағ етишмасди. Яқинда шахсий фотостудия учун зарур барча жиҳозларни қандай қилиб сотиб олиш мумкинлигини билиб олдим. “Микрокредитбанк” бўлимига мурожаат қилганимда, кредит ҳисобидан ўз бизнесимни йўлга қўйиш имконини берганини айтишди. Ўшанда сурат олиш орқали олинган кредитни тезда қошлаш ва фойда олиш мумкинлигини бизнес-режам орқали исботлаб бердим. Ушбу ҳаракатимни банк мутахассислари қўллаб-қувватлаб, менга кредит беришди. Олинган маблағ эвазига фото ва видео материалларни қайта ишлаш имконини берувчи янги камера ва замонавий компьютер сотиб олдим. Шу тариқа барча талабларга жавоб берадиган фотостудиямни ташкил этдим. Айни кунда туманимиз аҳолисига хизмат кўрсатиб келмоқдам. “Обод турмуш йили”да ҳаётимда бўлган бундай ўзгаришлар мени ва оиламни қувонтирди. Ўзим севган касб билан шуғулланиш учун имкон яратиб берган банк ходимларидан миннатдорам, дейди Навоий вилоти Томир туманидан хусусий тадбиркор Бахбек Есентаев.

— Шу йил коллежни тамомладим. Бирок, ўз ишимни бошлашни аввалдан режалаштириб юрардим. Мен қандолат махсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланишга киришдим. Сабаби, болалигимдан ширинликка ўчман. Бирок ўз бизнесимни қандай йўлга қўйиш ва бошқариш мумкинлиги ҳақида етарли маълумотга эга эмас эдим. Энг асосийси, иш бошлашим учун дастлабки маблағ жуда зарур эди. Коллежда “Микрокредитбанк” мутахассислари томонидан ўтказилган махсус семинарда иштирок этиб, микрокредитлаш имкониятлари ҳақида билиб олдим. Банкнинг коллеж битирувчилари учун мўлжалланган махсус лойиҳасида қатнашиб, имтиёзли микрокредитни қўлга қиритдим. Кредит ҳисобидан ўз қандолат цехимни очдим. Шунинг учун бу йил менга икки баробар омадли келди, десам хато бўлмади, дейди, биз билан суҳбатда Кўшработ туманидан хусусий тадбиркор Мафтуна Эгамбердиева.

— Шу йил аввалдан ўйлаб юрган гоғларим рўёбга чиқди ва ўз ишимни йўлга қўйдим. Болалик пайтларимдан фотографияга дўст тутиндим. Йиллар ўтиши билан қобилиятимни намойён қилишим кераклигини тушуниб етдим. Менда профессионал даражада ишлаш орузи туғилди. Бирок, фақат қобилият ва истакнинг ўзи камлик қилар экан. Мижозлар буюртмасини сифатли бажариш учун замонавий

кўрсатаётган сифатли хизматлар туфайли улар ўз лойиҳаларини амалга оширишга эришмоқдалар. Банкнинг молиявий ёрдами туфайли паррандачилик, асаларичилик, балиқчилик, иссиқхона ҳўжалиги ва агросаноат секторининг бошқа тармоқлари ҳам ривож топмоқда.

— Бугунги кунда фермерлик ҳаракати чиндан-да қишлоқнинг асосий таънигига айланди, дейди Қорақўл туманидаги “Ҳасанобод шиқобол” фермер ҳўжалиги раҳбари Ғайрат Ҳасанов. — Давлатимизнинг қўллаб-қувватлаши сабаб, фермерлар ҳам амалга оширилаётган ўзгаришларга ўз ҳиссаларини қўшиб келишмоқда. Қўллаб фермерлар ўзларига бириктирилган ерлардан унумли фойдаланиб, иссиқхоналар ташкил қилишмоқда. Гўшт, сут, сабзавот, полиз махсулотларини қайта ишлашни йўлга қўйишмоқда. Қайд этиш лозимки, бунда ҳукуматиимизнинг қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришга қаратилган қатор қарор ва фармонлари муҳим омил бўлмоқда. Биз ҳам фаолиятнинг янги турини ўзлаштириб, фермер ҳўжалигимизда асаларичиликни йўлга қўйишга қарор қилдик. Ширин ва шиқобох махсулотга бўлган талабнинг катталиги ундан олинандиган даромад-нин ҳам кескин оширади. Бирок, асалариларни йиғиш осон иш эмас. Бунда малака билан бирга молиявий кўмак ҳам керак. Бу муаммони ечишда “Микрокредитбанк” филиали яқиндан ёрдам берди. 15,9 миллион сўмлик имтиёзли кредит эвазига асалари парвариши, шунингдек, зарурий материаллар учун керакли жиҳозлар сотиб олдик. Қилинган меҳнат ўз самарасини берди. Ҳозирда кўп миқдорда асал етиштириб, истеъмолчиларга етказиб бераёламиз.

Якунига етаётган “Обод турмуш йили” қўллаб юртдошларимизга омадли келди. Улар яратилган имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда ўз тадбиркорлик фаолиятларида улкан муваффақиятларга эришдилар. “Микрокредитбанк” ОАТБ жамоаси ўз мижозларининг қўлга қиритган қўллаб ютуқларини ўтаётган йилдаги фаолият мезонининг асосий натижалари сифатида қарайди. Бир сўз билан айтганда, банк кириб келаётган “Соғлом бола йили”да ҳам мижозларни ўзига бўлган ишончини оширади ва уларнинг яқин кўмақдоши бўлишига хизмат қилади.

Эркин ДОРИПОВ, “Milliy tiklanish” мухбири

Халқаро ҳаёт

Бизнинг шарҳ

БОШ ШТАТНИНГ ИККИ ПАЛАТАСИ



Бугунги Нидерландия қироллиги — Голландия 12 та вилоятдан иборат. 1581 йил 26 июлда давлат мустақиллигини кўлга киритган Нидерландия — “қуй ерлар” маъносини англатади. Чунки мамлакатнинг 40 фоиз ҳудуди денгиз сатҳидан 6,7 метрдан 321 метргача пастда жойлашган. Умумий ер майдони 41,526 минг квадрат километр, аҳолиси 17 миллион нафарга яқин. Нидерландия Конституциясига кўра, давлат пойтахти Амстердам ҳисобланса-да, аслида Гаага мамлакат маркази деярлик эҳтисобланади. Бу ерда қирол қароргоҳи, парламент, ҳукумат ва хорижий давлатлар элчихоналари жойлашган.

қабул қилинган. Мазкур Конституцияни “Тинчлик инқилоби” дейиш ҳам мумкин. Зеро, айнан унда қирол ваколати қисқартирилиб, унинг вазифаси вазирлар Кенгашига топширилади.

Нидерландия кўҳна китъа Европадаги мутлак монархия тузумидан Конституциявий монархияга ва парламент демократиясига ўтган биринчи давлат ҳисобланади. 1917 йили Конституцияга тузатиш киритилиб, унга кўра, 23 ёшгача бўлган барча эркеклар овоз бериш, 1919 йилдан эса аёллар ҳам худди шундай ҳуқуққа эга бўлди. 1971 йилда 18 ёшга тўлган фуқароларга ҳам овоз бериш ҳуқуқи берилган.

Нидерландия монархи расмий равишда давлат раҳбари ҳисобланади. У йилда бир маротаба парламентда маъруза қилади. Сайловларни ўтказиш ва янги ҳукуматни шакллантиришда ҳам монархнинг ўрни катта. Сайловдан сўнг давлат раҳбари фракция етакчилари, бош штатнинг иккала палаталари раислари, давлат кенгаши раиси ўринбосари билан маслаҳатлашувлар олиб боради. Қирол уларнинг тавсиясига биноан “Ахборотчини” тайинлайди.

Нидерландия бош штати, яъни парламент биринчи ва иккинчи палатадан иборат. Биринчи палатада 75, иккинчисидаси эса 150 та ўрин мавжуд. Иккинчи палата асосий ҳоқимият бўлиб, улар 4 йил муддатга сайланади. Биринчи палатадагилар эса вилоятлар парламенти томонидан тайинланади. Сўнгги бор биринчи палатага 2011 йилнинг 7 мартда сайловлар бўлиб ўтган. Иккинчи палатага эса навбатдан ташқари сайлов 2010 йилнинг 9 июнида ўтказилган бўлиб, сайлов якунига кўра, ҳуқумат коалиция ҳуқумати тuzилган. 2010 йилнинг 20 февралдан Ян-Петер Балкененде етакчили-

гидаги вазирлар кенгаши Нидерландия кўшинларининг Афғонистондаги аксил-террорчилик амалиётларини олиб боришига оид масалаларда бир тўхтамга кела олмагани туфайли тарқоқланиш юзасига келди. Оқибатда янги парламент сайловини ўтказишга тўғри келган. Ушундан ҳукмрон Христиан демократик партияси мағлубиятга учради. Озодлик ва демократия учун Либерал халқ партияси, меҳнат сўл марказчилар партияси ва Озодлик партияси энг кўп овоз тўплашга муваффақ бўлган. Озодлик ва демократия учун халқ партияси етакчиси 2010 йилнинг 14 октябрдан бош вазирилик курсини эгаллаб келмоқда.

2012 йилнинг сентябрида мамлакатда мუддатидан аввал парламент сайлови ўтказилди. Ушбу сиёсий тадбирда Озодлик ва демократия учун халқ партияси 41 та мандатни кўлга киритди ва сайловда энг кўп овоз жамгадан партиясига етакчиликини кўлга киритди. Меҳнат партияси 38 та, Озодлик ва социалистлар партияси 15 та ўринга эга бўлди. Ҳукумат бошлиғи Гаага шаҳрида Бинненхор шаҳридаги бинода ўз фаолиятини олиб боради.

Нидерландияда 6 та йирик партия бўлиб, шундан 7 таси сўнгги 20 йил ичида парламентда энг кўп ўринларни банд этиб келмоқда. 4 та партия орасида Христиан демократик партияси 89 минг аъзога эгадир. 2001 йили Голландия парламенти Европадаги биринчи бўлиб эътаназияга рўхсат беришчи қонунни тасдиқлади. Бу давлат Европа

интеграциялашув жараёнини кенгайтириш ва чуқурлаштириш тарафдори ҳисобланади. Евро пул бирлигига ўтиш чоғида ҳам аҳолининг қарийб 77 фоизи уни кўллаб-қувватлаган. Бу Европа Иттифоқидаги энг юқори кўрсаткич саналади. Бундан ташқари, Нидерландия ривожланиётган мамлакатларга энг кўп ёрдам кўрсатаётган мамлакат сирасига киради.

Конунчиликка кўра, қиролликда Конституциявий суд фаолият кўрсатмайди. Судьяларга қонунларни қайта кўриб чиқиш ваколати берилмаган. Лекин, халқаро шартномалар, қироллик мақоми катта кучга эга бўлиб, айрим ҳолатлардагина улар судьялар томонидан қайта кўриб чиқишига рўхсат берилди. Конституцияни қайта кўриб чиқиш учун парламент акти қабул қилиниши керак. Айнан акт эълон қилинган, бош штатнинг иккала палатаси тарқатиб юборилди. Депутатларнинг ўндан икки қисми овоз берган такдирдагина қонун лойиҳаси тасдиқланади.

Мамлакатдаги бош штат томонидан қабул қилинган қонунлар монарх томонидан тасдиқланади. Айнан қирол давлат кенгаши раиси ҳисобланади. Қирол оиласи 6 та саройда, шу жумладан Амстердамдаги қирол саройида ҳам истиқомат қилади. Монарх мулк мероси учун солиқ тўлашдан озод қилинган. Унинг портретлари евро тангаси, почта маркаларида акс эттирилган.

Нидерландия қироли Европадаги энг ёш монарх бўлиб, у яқинда давлат харажатларини қисқартириш таклифи билан чиқди. Парламент ва ҳукуматга қилган мурожаатида эътибор келган моллиявий инқироз туфайли маҳаллий халққа давлатга иложи борича боқиманда бўлмасликка ундади. Қирол кексаларни парваришлаш ишига жалб этилган ёшлар ва касб малакасини ошириш учун ажратилган маблағ эндиликда маҳаллий бюджетга ўтказилишини ҳам эълитиб ўтди. Келгуси йили давлат харажатлари 6 миллиард еврогача қисқартирилиши кутилмоқда. Ҳукумат ҳисоб-китобида кўра, бюджет тақчиллиги 3,3 фоиз атрофида бўлиши, ишсизлик даражаси эса 7 ярим фоизгача ортиши мумкин. Шу жиҳатдан монархнинг парламент ва ҳукуматга қилган мурожаати, мамлакатни ислоҳ қилишга қаратилган саъй-ҳаракати кўпчилиги томонидан муносиб қарши олинди.

Азимжон ПУЛАТОВ

- Голландияда Биринчи палата иккинчи палатада қабул қилинган қонунларга вето қўйиш ҳуқуқига эга.
- Биринчи палатага вилоятлардаги парламентлар томонидан вакиллар кўрсатилади.

Рангин дунё

Экваторнинг ғарбий қисмидан 960 километр узоқликда, Тинч океанидан бошланувчи қурғоқчил оролар маълум сабабларга кўра испанча “тошбақалар” деган маънони англатувчи Галапагос номини олган. Ҳақиқатан-да Галапагос ороллари 50 килограммдан оғирроқ бўлган тошбақалари билан дунёга машҳур. Аксарият одамлар билмаган ажойиб мавжудотлар айнан орол ва унинг сувости дунёсида яшайди.

Галапагос сувларида бир вақтининг ўзида тўрт оқим тўқнаш келади. Булар жанубдан Перу ёки Хумболдт, ғарбдан Экваториал, Шимолий Экваториал ҳамда Панама каналли оқимлари. Турли океанларда яшовчи балиқ ва умуртқасиз жониворлар ҳам ушбу оқим билан бирга оқиб келади. Шу тариқа, жониворлар ўзларини қояттош соҳилларида, денгиз қумлоқлари тубида ёки бўлмаса Галапагоснинг машҳур мангрове ўрмонларида кўрадилар.

Бу ердаги энг ўйноқи хайвонлар сирасига денгиз шерлари киради. Денгиз шерлари сув ичида жуда тез ҳаракатланиб, танасини эгиб, ортага ўгирилиб, кенг ёйганча ҳаракатланишини ёқтиради. Улар экспедицияга чиққан гаввосларни яқин масофадан туриб “тафтиш” қилиб бўлган, бамайлихотир сўзгичларини хиёл қимирлатганча секин-аста сузишида давом этишадди. Баъзилари эса гаввосга сўзгичлари билан ёпишиб ҳам олади. Жонивор ўта зийрак ва эпчил бўлиб, кўзини гаввосдан узмайди.

Кичикроқ автовбус ҳажмича келадиган денгиз махлуқи ҳам Галапагос ороллари Унга мақом тутган. Бу — кит-акуладир. Худуддаги энг катта балиқ ҳажман китга ўхшашлиги боис шундай ном олган. Кит-акула кенг озғидидаги сўзгичларидан балиқ ва бошқа планктонларни ўтказиш орқали озиқланади. Кит-акула қариндошлари билан камданкам, бошқа акулалар билан эса умуман тўқнаш келмайди. Бош

қисми катта болғага ўхшаш иккинчи метр келадиган болғабош акулалар юзта-юзта ёки кўпроқ бўлиб сузиб юради. Риф акуласи, Галапагос тошбақалари ҳамда олти жабралли акулаларнинг аксарияти одамдан катта бўлади. Бундай манзарани истасанг тадқиқотчи ўз кўзи билан кўриши мумкин. Лекин гаввосларнинг нафас олиш аппарати дан чиқаётган ҳаво акулаларни чўчитиб юбориши туфайли уларни сурутга олиш анча мушкул.

Экватор сувларида келадиган хилма-хил жониворлар орасида Галапагос пингвинлари ҳам бор. Уларни шу ва Жанубий Американинг Тинч океани соҳилларидагина учратиш мумкин. Пингвинлар балиқларни таъқиб қилиб ёки ўзлари акулаларнинг таъқибига учраб туради. Бироқ, чап-дастлиги туфайли кўпича хавфдан омон қоладилар. Қуруқликда эса пингвинлар оролнинг вулқон қоялари узра лапанглаб юришни хўб уйдлашади.

Оролда яшовчи яна бир ўзига хос жонивор — денгиз игуанаси бўлади. У сурдалиб юрвчиларга хос бўлиб, Галапагос ороли ҳаётига мослашган калтакесакдир. Унинг ёмағи сувости қояларида ўсадиган ўтлар. Игунага ўтмас тумшуги билан ўтларни юлиб олиб, силлиқ қояларга чаңғилисимон панжалари ёрдамида чирмашиб чиқади. Кучли оқим чоғида жонивор мушқдор тана ва думлари билан сузиб, тиканларидан эса йиртқичларга қарши химоя сифатида фойдаланади.

Галапагос ороллари



Гарчи ушбу архипелагга кўплаб ажойиботлар учраса-да, бу ерда коралл рифлари деярли мавжуд эмас. Уларнинг ўрнини сув остидаги тўлқинсимон вулқон қояттош эгаллаган. Айрим қоялар шил-шийдам бўлса, баъзиси қизил сув ўтлари, сарик кубиксимон кораллар ва қора коралл буталар билан қопланган. Бу ерда риф ҳосил қилувчи коралларнинг камлигига яна бир сабаб Эл-Нино деб аталувчи табиат ҳодисасидир. Эл-Нино вақти-вақти билан озиқ моддаларни кам ва жуда илқ бўлган сувларини олиб келади, бундай шариотда коралл ва планктонларнинг яшashi учун ноқулайлик туғдиради. Эл-Нино кўп ҳолларда ёғин микродорининг кўпайишига ҳам сабаб бўлади. Катта микродоринга тоза сувларнинг денгиз сувлари билан аралашуши кораллар ўсиши учун зарарли ҳисобланади.

Бироқ, орол сувларида балиқларнинг 300 га яқин тури учрайди. Улар орасида сув тубида яшовчи танасида иероглифсимон рамзалари бор кирғйибалиқ, шунингдек, модельерларга хос қизил лаблари бўлган қўшпа-лакбалиқлар ҳам бор. Бундай шариот архипелаг кўйида балиқларнинг янада кўпайишини таъминлайди.

Айни пайтда бу худуд денгиз ресурслари қўриқхонасига айлан-тирилган. Шунга қарамай, оролда ҳалигача ноқонуний балиқ ови билан шуғулланувчилар учраб туради. Қўриқхона тизмаларида 50,000 квадрат километр майдонни назорат қилиш учун етарли маблағ етишмайди. Бироқ, сўнгги йилларда оролнинг қуруқлик қисмида яшовчи хайвонлар, айниқса, тошбақаларни сақлаб қолишга эришилди. Ушбу тошбақаларнинг чаноқлари турли ҳажм ва шаклда бўлиб, гумбассимон ва эгарсимон кўринишга эга. Авваллари ушбу ажойиб жонивор-

ларнинг бир неча турлари бўлган. Ҳозирги кунда бундай тошбақаларнинг биригина тури сақланиб қолган. Қолганлари ов ҳамда бошқа омилилар натижасида қирилиб кетган.

Зафар МУХАММАД

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

Танзанияда бино қулаган

Танзаниядаги йирик шаҳарлардан бири Дор-ус Саломда 16 қаватли бинонинг қулаши оқибатида тинч аҳоли жиддий зарар кўрган.

Хабарларга кўра, фожеа оқибатида ҳалок бўлган ҳамда бедарак йўқолганлар бор, қарийб 40 нафар одам турли даражада тан жароҳати олган. Жабрдийдалар орасида ёш болалар, қария ҳамда аёллар кўпчиликини ташкил этади. Айни пайтда худудда кидирув-қутқарув ишлари олиб борилмоқда. Воқеа юзасидан текширув ишлари бошлаб юборилган.



Олтин қонида ҳалокат

Хитойнинг олтин казиб олинадиган қонларнинг бирида ҳалокат юз берган.


Синхуа ахборот агентлиги тарқатган хабарларга қараганда, Хитойнинг Межжонгар уезди яқинида жойлашган мамлакатдаги энг йирик олтин казиб чиқарувчи қонлардан бирида йирик ўпирилиш юз берган. Оқибатда ўндан ортиқ ишчилар тупроқ остида қолиб кетган. Ҳозир ҳалокат сабаблари ўрганилмоқда.



Мадрид метеорити

Испания ошхоналаридан бирида метеорит парчаси топилган.

Мамлакатдаги Геология институтини ходимларнинг фикрича, Мадрид шаҳрида истиқомат қилувчи хонадонлардан бирида қарийб ўттиз йил давомида рўзгорда фойдаланиб келинган буюмлардан бири аслида метеорит парчаси экани маълум бўлган. Аҳамиятлиси, ошхона жиҳозларига мосланган топилма шунча йил ўтса-да, мустаҳкамлигини йўқотмаган. Айни пайтда метеорит Геология институтини музей фондида сақланмоқда. Музей ходимларининг айтишича, ҳозир мазкур буюмга қизиқувчилар сони кундан-кунга ортмоқда.



Қиш аёзи

Канадада қарийб 500 минг нафар аҳоли электр энергиясиз қолган.

Бунга кучли шамол ва қор буронлари сабаб бўлган. Расмийларнинг фикрича, табиий офатдан зарар кўрган туманларда электр таъминотини таъмирлаш учун бир неча кун сарфланиши мумкин. Табиий офатдан Канаданинг Онтарио музофоти, хусусан, Торонто шаҳри жиддий зарар кўрди. Хабарларга қараганда, об-ҳавонинг ёмонлашуши оқибатида кўплаб йўл-транспорт ҳодисалари ҳам юз берган. Қор буронлари, шунингдек, АҚШнинг шимоли-шарқий худудларида ҳам кўплаб муаммолар туғдирган.



Интернет хабарлари асосида
Аслида ИБРАГИМОВА тайёрлади

Эълон

«TOSHKENT UNIVERSAL AUCTION SAVDO» МҲҶ 2014 йил 30 январь кунни бошланғич нархи босқичма-босқич ўсиб бориш тартибидаги очик аукцион савдоларини ўтказди!

Аукцион савдоларига Тошкент ш. Шайхонтоҳур тумани, Шайхонтоҳур кўчаси, 54-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси легаллаштиришга қарши курашиш департаменти Тошкент шаҳар бошқармаси балансидаги 2003 й. и/ч. д/р 01/738BAА, бошланғич нархи 9 184 894 сўм бўлган «BA3-21074-045», 2000 й. и/ч. д/р 01/729BAА, бошланғич нархи 13 716 488 сўм бўлган «Нексия» русумли; Тошкент вилояти, Янгйўл шаҳри, Охунбобоев кўчаси, 28-уйда жойлашган «KAFOLAT» ДАСК ОАЖ Тошкент вилояти филиали балансидаги 1999 й. и/ч. д/р 10/550EAA, бошланғич нархи 6 281 000 сўм бўлган «Нексия», 2000 й. и/ч. д/р 10/394VAA, бошланғич нархи 3 098 000 сўм бўлган «Тико» русумли; Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўчаси, 30-уйда жойлашган Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси балансидаги 2004 й. и/ч. д/р 01/022EAA, бошланғич нархи 9 000 000 сўм бўлган «Дамас», 2004 й. и/ч. д/р 01/021BAA, бошланғич нархи 9 000 000 сўм бўлган «Дамас» русумли автотранспорт воситалари қўйлади.

Талабгорлардан буюртномаларни қабул қилиш, расмий иш кунларида мазкур эълон чиққан кундан бошланади ва савдо кундан 2 (икки) кун аввал соат 18-00да тўхтатилади.
Савдоларда қатнашиш учун бошланғич нархнинг камида 20 фоиз микродориндаги закатат пули «TOSHKENT UNIVERSAL AUCTION SAVDO» МҲҶнинг АТИБ «Ипотeka-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИП 302071274, 2020 8000 7049 2931 8001 ҳисоб рақамига тўланади.
Савдо голибига савдо кундан бошлаб йиғирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закатат пули микдори сотиб олиш тўлови микдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган такдирда, етишмаётган суммани шартнома тўлуғлигига қадар тўлаб бериш шартлари оқилатилади.
Мазкур автотранспорт воситалари юқорида белгиланган савдо кунидан сотилмаган такдирда, улар бўйича такрорий аукцион савдолари, улар сотилгунга қадар навбатдаги ҳафталарнинг ҳар пайшанба кунлари ўтказилди. Ушбу автотранспортларга қизиқиш билдирган талабгорлар, уларнинг хорати билан сотувчи ташкилотларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилларига бориб танишишлари мумкин.
Аукцион савдолари соат 15-00да бошланади ва қуйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади:
Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-А-ўй, 3-қават, 307-хона (Мажлислар зали).
Мурожаат учун алоқа воситалари: телефон: 233-23-40; телефакс: 233-23-40, электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru.

ЎРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

“АСАКА” банк (ОАЖ) жамоаси



Сизларни яқинлашиб келаётган

Янги 2014 йил билан табриклайди ва қуйидаги

миллий валютадаги муддатли янги омонат турини тақлиф этади:

«Янги йил 2014»

Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Ушбу омонат турини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.

Мурожаат учун «Асака» банк (ОАЖ) филиаллари телефонлари:

120-39-81, 120-39-60, 120-39-63

Филиаллар	Код	Телефон	Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13	Наманган вилоят филиали	369	226-94-75
Автотранспорт филиали	371	120-39-95	Навий вилоят филиали	436	223-54-32
Шайхонтохур филиали	371	140-39-36	Зарафшон филиали	436	573-18-78
Юнусобод филиали	371	221-80-67	Бухоро вилоят филиали	365	223-71-94
Сирғали филиали	371	258-67-49	Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13	Самарқанд вилоят филиали	366	231-08-86
Анджон вилоят филиали	374	224-40-96	Афросиёб филиали	366	221-77-56
Асака филиали	374	233-13-69	Қашқадарё вилоят филиали	375	221-12-93
Фарҳод филиали	374	226-97-53	Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Фарғона вилоят филиали	373	224-70-83	Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Марғилон филиали	373	237-12-37	Хоразм вилоят филиали	362	226-97-78
Олтиариқ филиали	373	432-10-11	Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Кўқон филиали	373	552-61-04	Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

«Асака» банк - сармоянгни сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди.

Хизматлар лицензияланган

ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

Ерэнгоқ

Уруғлари таркибида 53 фоизгача мой, 37% оксил, три-терпен сапонин, гликозид, архидозид, лейкодефенидил, бетаин, холин, 17 фоизгача глобулин ва глютаминлар, 21% крахмал, 7,4% қанд, аминокислоталар, шунингдек, В, Е витаминлари, пантотенат кислоталар бор.



Ерэнгоқ меваларининг пўсти глюкоза, аглюкон ва бошқа моддаларга парчаланган арахидозид деган гликозидларга ниҳоятда бой. Мевасининг мағзи мазали бўлиб, уни хомлигича ёки қовурилган ҳолда истеъмол қилса бўлади. Мойи озиклик борасида бошқа ўсимлик турларидан устун туради. Ерэнгоқ мағзи меъда ва ичак касалликларини даволаш хусусиятига ҳам эга. Шу боис, ундан ични юмшатувчи сурғи, оғриқни қолдирувчи, талвасага қарши безарар восита сифатида фойдаланиш мумкин. Ерэнгоқ мағзи гемморрагик диатез билан оғриган болалар учун бирдек фойдали. Сабаби, у тромбопластин ҳосил бўлишини кучайтиради. Шунга қарамай, ҳар нарсанинг меъёри яхши. Шундагина истеъмол қилинган мева, сабзавот ва гиёҳлар инсон соғлиғига хизмат қилади.

БИЛАСИЗМИ?

Ер ўз ўқи ва Куёш атрофида мисли кўрилмаган тезликда айланади. Бу тезлик хозирги ўлчов бирликларига кўра соатига 107826 километрни ташкил этади.

Инсон ҳаракатсиз тургандек кўрингани билан аслида ҳаммаша ҳаракатда бўлади. Тўғрироғи, Ернинг турли қисмида яшайдиганлар тез ёки секин ҳаракатланади. Экваторда турайдиганлар эса ҳаммадан кўра тезроқ ҳаракат қилади.

ТУРФА ОЛАМ

Улкан кўл

АМЕРИКАЛИК ОЛИМЛАР ГРЕНЛАНДИЯ МУЗЛИКЛАРИ ҚАЪРИДА УЛКАН КЎЛ БОРЛИГИНИ АНИКЛАШГАН.



Манбада келтирилишича, кўл муз қатламларининг эриши натижасида ҳосил бўлган. Улкан кўл тахминан 140 млрд. тонна сув захирасига эга бўлиб, Ирландия ҳудудига тенг келаркан. Сўнгги йилларда Гренландия музликлари жадал суръатларда эрий бошлагани олимларни жиддий хавотирга солаётган эди. Айниқса, 2012 йилнинг ёзида музлар тезлик билан эриётгани қайд этилган. Олимлар эриган сувлар қаерга оқиб кетаётганини аниқлашолмаганди. Улкан кўлнинг топилиши шу ва бошқа масалаларга ойдинлик киритди. Демак, муздан тушган сувлар бир жойга тўпланган ва улкан кўлни ҳосил қилган. Қизиги шундаки, бу сувлар океанларга келиб қўшилмаган. Агар шундай бўлганида дунё океанининг сатҳи камида 0,4 миллиметрга кўтарилган бўларди.

Яна бир рекорд

ДУБАЙ ШАҲРИ ДУНЁДАГИ ЭНГ КАТТА ЯНГИ ЙИЛ ФЕЙЕРВЕРГИ БИЛАН ГИННЕСНИНГ РЕКОРДЛАР КИТОБИДАН ЖОЙ ОЛИШ НИЯТИДА.

Фейерверклар шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари ва иншоотлари атрофида ўрнатилиши кутилмоқда. Байрам томошаси сунъий орол ва The World архипелаги узра самога отилажак 6 дақиқалик салют билан бошланади. Салютлар 450 000 хил рангда бўлиб, шаҳар аҳли ва меҳмонларга хушқайфият улашади. Янги йил фейервергида нафақат салютларни томоша қилиш, балки дид билан танланган мусиқа садоларини тинглаш имконияти ҳам мавжуд. Бундан ташқари, Жумейра-бич атрофида 15 дақиқалик, Бурж Халифа минорасидан туриб антиқа салютлар кетма-кетлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Колаверса, янги йил кечаси шаҳар кўчаларида лазер шоулар ўтказилиб, уларда дунёга машҳур миноралар акс этиши ваъда қилинмоқда. Бир сўз билан айтганда байрам кечаси ҳеч ким зеркиб қолмайди.

З.ЗОИРЖОНОВ тайёрлади

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Наманган вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси ва партия Косонсой туман Кенгаши, халқ депутатлари Косонсой туман Кенгашига ЎЗМТДПдан сайланган депутат Муроджон Муминовга акаси

Баротжон ТЎХТАБОВнинг

бевақт вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ ЖАМОАСИ

Юртдошларимизни кириб келаётган

Янги йил

билан қизгин табриклайди.

Янги йил ўзгача файз-шукуҳ билан келсин.

*Пахтакору ғаллакорларимиз,
боғбону соҳибкорларимиз уйган хирмонлари,
қурувчиларимиз бунёдкорлик ишларидаги
муваффақиятлари билан барчамизни қувонтирсин.*

“СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ” барчага муборак бўлсин!

2014






"ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ" ОАЖ жамоаси

Кириб келаётган

Янги 2014 йил

билан барча юртдошларимизни қутлайди.

*Янги йил ҳар бир оиллага,
ҳар бир хонадонга
тинчлик-хотиржамлик ва
қут-барака олиб келсин.*



2014 йил —
“СОҒЛОМ БОЛА
ЙИЛИ”

Янги йилингиз билан!



Мамлакатимиздаги етакчи саноат корхонаси

Истиқлол йилларида мамлакатимизда ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, янги ишлаб чиқариш корхоналарини бунёд этишга катта эътибор қаратилмоқда. Натижада иқтисодийнинг реал тармоғи — ишлаб чиқариш соҳаси жадал ривожланиб, ички ва ташқи бозорда тайёрланаётган миллий маҳсулотларимиз тури кўпайиб бораётир. Айниқса, йирик саноат тармоқларининг такомиллашуви юртимиз истиқболлида муҳим аҳамият касб этмоқда.



Саноати кун сайин ривожланиб бораётган Навоий вилоятида бўлсангиз чирой очиб бораётган шаҳару ва қишлоқлар қиёфаси сизни ром этмасдан қолмайди. Вилоят, қолаверса Навоий шаҳрининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнида "Navoiyazot" очик акциядорлик жамиятининг ҳам муносиб улуши бор. Мазкур заводда ишлаб чиқариш қуввати йилдан-йилга ортиб бормоқда. Барча цехларда олиб борилган реконструкция ва модернизация ишлари юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини оширишда муҳим омил бўлаётир. "Navoiyazot" ОАЖ фаолияти азотли ўғит ишлаб чиқаришдан бошланган. Корхона жадал ривожланиб бораётган халқаро ҳамкор мақомига эга. Кўп тармоқли саноат ишлаб чиқариш мажмуасида 11 мингдан ортиқ ишчи ва хизматчи фаолият юритади. Ўзбекистонда жами ишлаб чиқарилаётган кимёвий маҳсулотларнинг 30 фоизи, азотли ўғитларнинг 60 фоизи ана шу корхона улушига тўғри келади.

Шунингдек, мажмуа юртимизда тоғ-кон, нефть-газ, металлургия саноати, тўқимачилик каби кўплаб соҳаларни импорт ўрнини босувчи сифатли хомашё билан таъминлашда, қишлоқ хўжалигини ривожлан-

тириш ва аҳоли турмуш даражасини яхшилашда ҳам алоҳида ўринга эга. Ушбу йўналишларда эътиборга молик ишлар олиб борилмоқда.

Эзгу аъёнага айланган ишлар, эришилган ютуқларни сарҳисоб қилиб, янада янги, бундан-да юксак марраларни забт этишга ундовчи ишларни режалаштириш ҳаётимизнинг негизига айланган. Йигирма икки йил муқаддам эришилган мустақиллик миллатимизнинг раванқ топишига, ҳаётнинг барча жабҳаларида фахрланса арзигулик ишлар қилишга кенг йўл очиб берди. Бугун ҳар биримиз шахсий ҳаётимизда, оиламизда мустақилликнинг нақадар улғу, бебаҳо неъматлигига яна бир қарара амин бўлмоқдамиз.

Юртбошимиз Ислон Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда истиқлол йилларида демократик ҳуқуқий давлат қуришга йўналтирилган ислохотларни амалга ошириш, бозор иқтисодиётини ривожлантириш, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш бўйича аҳамиятга молик юмушлар амалга ошириляпти. Уларнинг барчаси инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш, халқимизнинг фаровон ҳаёти ва маънавиятини янада мустаҳкамлашга қаратилган.

Мамлакатимизда етакчи ўрин-

ларнинг бирини эгаллаб келаётган "Navoiyazot" очик акциядорлик жамияти томонидан жорий йилнинг ўтган даврида қарийб 390 миллиард сўмлик кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Уларнинг асосини деҳқонларимиз учун ер малҳами саналган минерал ўғитлар ташкил этади. Шунингдек, сунъий нитрон толаси, турли кислоталар, кимёвий бирикмалар, қатронлар ҳам товарларимиз сафидан муқим ўрин эгаллади.

Охириги йилларда республикамиз кончилари учун 28 турдаги сифатли хом ашё етиштириб берилмоқда, 2012-2013 йилларда биргина НКМК корхоналари 227 млрд. сўмлик кимёвий маҳсулотлар билан таъминланди.

2017 йилгача мўлжалланган инвестицион дастурга асосан аммиак-карбамид ва азот кислотаси, поливинилхлорид ва каустик сода ишлаб чиқариш лойиҳалари устида иш олиб бориляпти, улар ишга тушгач корхона ишлаб чиқариш қувватининг 2,7 баробарга ошиши кутилмоқда.

Шу билан бирга бошқа лойиҳалар устида ҳам қизғин фаолият олиб борилмоқда. Жорий йилда янги ишлаб чиқариш корхо-

наларини ишга тушириш, фаолият юритаётганларини модернизация қилишнинг йирик инвестицион лойиҳалар манзилли дастури шулар жумласидандир. Унга кўра, яқин уч-тўрт йил ичида поливинилхлорид ва каустик сода ишлаб чиқариш бўйича янги мажмуа барпо этиш, замонавий технологияга эга аммиак ва карбамид тайёрловчи мажмуа қуриб, фойдаланишга топширилади. Метанолдан олефин олиш технологияси асосида табиий газни қайта ишлаш бўйича кимёгаз мажмуаси, шунингдек, амалдаги баъзи технологик линияларни реконструкция қилиш, кенгайтириш ҳисобига маҳсулотлар ҳажмини ошириш мўлжалланган. Бу йирик лойиҳаларнинг бир қисми ҳолос. Улар амалга ошгудек бўлса, минглаб янги иш ўринлари яратилади ва ёшларимиз ишли бўлади.

Яқинда лойиҳа қиймати 3768,8 млн. сўм бўлган 40 минг бошга мўлжалланган замонавий паррандачилик мажмуаси ташкил этилди. 32 та янги иш ўринлари ташкил этилиб, Украинанинг «ТЕХНА» компанияси томонидан ишлаб чиқарилган ускуналар билан жиҳозланди.

Нурота туманида ташкил этил-

ган лойиҳа қиймати 3324 млн. сўмни ташкил этилган интенсив боғ келгуси йилдан ўз меваларини бера бошлайди.

Меҳнаткашларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган бир қатор хайрли ишлар ҳам амалга оширилмоқда. Бу йўналишдаги тадбирлар «Обод турмуш йили» чора-тадбирлар дастурида аксини топган. Жумладан, ўтган тўққиз ой давомида 88 нафар ходим Республика дам олиш уйлари ва санаторийларида, 1510 нафари корхона санаторий-профилакториясида ўз соғлигини мустаҳкамлади. Уларнинг аксариятини аёллар ташкил этади. 13 нафар корхона ишчиларини Ялта, Кисловодск шаҳарларидаги дам олиш ва даволаниш муассасаларига юборишга ҳам муваффақ бўлдик. 700 нафардан ортиқ кимёгар ўз касбий маҳоратини юксалтирди, уларнинг асосий қисмини ёшлар ташкил этади.

Ўтган ёзги соғломлаштириш мавсумида меҳнаткашларининг фарзандлари, Навоий шаҳридаги «Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчиларининг 1100 нафари «Офтобжон» болалар соғломлаштириш оромгоҳида дам олишди. «Кимёгар» спорт ва соғ-

ломлаштириш мажмуасида корхона ходимлари, маҳаллаларда истиқомат қилувчи аҳоли, уларнинг болалари билан спорт машгулотлари ўтказилади. Улар ўртасида турли мусобақалар, спартакиадалар ташкил этилади. Бу ерда машгул бўлган ҳаваскорларнинг аксарияти республикамиз ва халқаро майдонларда бўлиб ўтган баҳсларда голиблик шохсупасидан жой эгаллагани биз учун қувончли ҳолдир.

Шунингдек, аҳолининг уй-жой ва ижтимоий-маиший шароитларини яхшилаш бўйича ҳам қатор ишлар амалга оширилди. Биргина ўтган йилнинг ўзида кимёгарларимиздан 60 нафари намунали лойиҳалар асосида бунёд этилган уйларнинг эгаси бўлишди. 10 та кам таъминланган оилаларнинг ҳар бирига биттадан қорамол аж-

ратилди. Яна шунча оила фарзандларининг суннат тўйи ўтказилиб, қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди, мукофот пуллари ажратилди. Бундан ташқари, иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат fronti қатнашчилари ҳам жамоамизнинг доимий эътиборида. Улар ҳар гал байрам саналари муносабати билан ўтказиладиган барча тадбирларга таклиф этилиб, совғалар билан тақдирланишади.

Бугунги кунда мутахассислар томонидан корхонани модернизация қилиш, тайёр маҳсулотлар ҳажмини ошириш, сифатини янада яхшилаш, янгиликларни ўзлаштиришга қаратилган лойиҳалар устида узлуксиз иш олиб бориляпти. Яқин йиллар орасида экспортбop товарлар ишлаб чиқаришни жорий этишга йўналтирилган инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш жаммоа фаолиятидаги долзарб масала саналади. Чунки уларнинг татбиқ этилиши ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ходимлар манфаатини ҳимоя қилиш, уларнинг турмуш шароитини янада яхшилаш ва ҳаётини фаровонлаштириш имконини беради.

“Navoiyazot” ОАЖ 2014 йилда “Ўзбекистонда кимё ва кимёвий технология: муаммолар, ютуқлар ва ривожлантириш истиқболлари” мавзусидаги халқаро илмий-техник конференцияни ташкил этишни режалаштирган.

* “Navoiyazot” ОАЖда 1964 йил 29 декабрдан биринчи маҳсулот — азотли ўғит олишдан бошланган.

* Бугунги кунда заводда 11 мингдан ортиқ ишчи ва хизматчилар фаолият юритади.

* Ўзбекистонда жами ишлаб чиқарилаётган кимёвий маҳсулотларнинг 30 фоизи, азотли ўғитларнинг 60 фоизи корхона улушига тўғри келади.

* Жорий йилнинг ўтган даврида қарийб 390 миллиард сўмлик кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.

* Инвестицион дастурга асосан аммиак-карбамид ва азот кислотаси, поливинилхлорид ва каустик сода ишлаб чиқариш лойиҳалари устида иш олиб бориляпти.

* Нурота туманида ташкил этилган лойиҳа қиймати 3 млрд. 324 млн. сўмни ташкил этган интенсив боғ келгуси йилдан ўз мевасини беради.

* 700 нафардан ортиқ кимёгар ўз касбий маҳоратини юксалтирди, уларнинг асосий қисмини ёшлар ташкил этади.

Эркин ДОРИПОВ,
“Milliy tiklanish” мухбири



“NAVOIYAZOT”

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

*Юртимиз иқтисодий салоҳиятини
юксалтириш йўлида фидокорона меҳнат
қилаётган барча юртдошларимизни*

2014 ЙИЛ

билан қутлайди.

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!





“MAGNUM MEDICAL SERVIS” МЧЖ ЖАМОАСИ

*Мамлакатимизда бир оиладек яшаб,
меҳнат қилаётган юртимиз аҳлини*

Янги 2014 йил

билан табриклайди.

*Яратувчанлик ва бунёдкорлик ишларингизга
улкан муваффақият, хонадонларингизга
қут-барака тилайди*

Янги йилнингиз билан!



**“ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ” ОАЖ
АНДИЖОН ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ**

**2014 йил билан
Ўзбекистон халқи ва
юртимиз меҳмонларини
муборакбод этади.**

**Барчага мустаҳкам соғлик,
яхши кайфият, омад ва
бахт ёр бўлсин.**



**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ
ВАЗИРЛИГИ, РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ
ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН
ФИЛИАЛИ ВА РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ
ШИФОКОРЛАР АССОЦИАЦИЯСИНИНГ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН
БЎЛИМИ ЖАМОАСИ**



**Барча юртдошларимиз ва тиббиёт соҳасида
хизмат қилаётган ҳамкасбларимизни**

СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ

билан табриклайди.

**Хонадонларимизни
болажонларимизнинг
қувончи, кулгуси тарқ этмасин.
Бахт, омад сизларга ҳамроҳ
бўлишини тилаб қоламиз!**

2014 йил билан!



“СИРДАРЁПАХТАСАНОАТ” ҲУДУДИЙ АКЦИЯДОРЛИК БИРЛАШМАСИ ЖАМОАСИ

Юртдошларимизни кириб
келаётган

Янги 2014 йил

билан самимий қутлайди.

*Янги йил ҳар биримизга эзгу
ниятлар амалга ошадиган,
орзулар ушаладиган йил бўлсин.*

БАЙРАМ МУБОРАК!



НАВОИЙ ШАҲРИДАГИ “КАМИЛЛА” МЕҲМОНХОНАСИ ЖАМОАСИ

Барча юртдошларимиз ва меҳмонларни

“СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ”

билан чин дилдан табриклайди.

*Янги йил тўкинлик,
қут-барака, тинчлик-тотувлик
олиб келсин.*

ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ БИЛАН!



Баркамол авлод

Президентимизнинг “Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида”ги қарори асосида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Қарор ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилда Самарқанд вилоятида бешта болалар мусиқа ва санъат мактаблари қурилиб, фойдаланишига топширилди.

Мусиқа ва санъат мактаби

болалар иқтидорини кашф этмоқда

Ана шундай масканлардан бири Пастдарғом туманидаги 32-сонли болалар мусиқа ва санъат мактабидир. Бу ерга киришингиз билан мафтункор мусиқа садолари эшитилиб туради. Болаларнинг бири доира, бошқаси пианино чалмоқда. Уларнинг қайси бири билан суҳбатлашманг келажакда таниқли санъаткор бўлиш ниятида эканини айтади. Ушбу ўқув даргоҳи ўтган йиллар мобайнида кўплаб иқтидор эгаларини катта ҳаётга учирма қилди. Тажрибали мутахассислар ёшларга мусиқий билим бериб, республика ва халқаро танловларда муваффақият қозонишларида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаёттир. Жумладан, М.Қориёқубов номидаги республика кўрик-танловида Шохруҳ Абдуллаев қашқар рубоби йўналишида 1-ўринни эгаллади. “Болалик баҳори” республика фестивалида эса “Дарғом ғунчалари” ансамбли биринчи ўринга лойиқ кўрилди. Улар “Ўзбекистон” телеканалда концерт дастури билан чиқиш қилишди. “Янги авлод” кўрик-танловининг барча йўналишларида ҳам мактаб ўқувчилари фаол қатнашиб келади. Туркменистонда бўлиб ўтган “Авазга край дўстлик” номи халқаро фестивалда иштирок этган мусиқа мактаби ўқувчилари фахрли ўринлардан бирини эгаллаб қайтишди.

— Муассасамизда санъатсевар ёшларни ҳар томонлама пухта билим олишлари учун барча имкониятлар мавжуд. Айни пайтда 168 нафар ўқувчи фортепиано, тасвирий санъат, анъанавий хонандалик, хореография йўналишлари бўйича мусиқа сирларини эгалламоқда, - дейди мактаб директори, Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси Абдурайим Усмонов. — Барча қўлайликларга эга замонавий мусиқа мактабида таълим олиш, ёшларнинг санъатга бўлган иштиёқини янада оширмоқда. Уларга Уйғун Бўтаев, Жамила Абдуллаева, Урозли Мухаммадиев, Замира Мирзаева, Карим Абдуллаев сингари моҳир устозлар мусиқа сирларини ўргатишмоқда. Мактабда ўқувчиларига ашула ва рақс заллари, замонавий ошхона кечаю-кундуз хизмат кўрсатмоқда.

О.ХОЛИҚУЛОВ,
“Milliy tiklanish” муҳбири

Ҳар йили 22 декабрь куни республикаимиз энергетика-ри анъанавий касб байрамини нишонлайди. Ушбу байрамга вилоятимиз нурчилари доимийдек ўзига хос ютуқлар билан келишиди.

Тарихга назар соладиган бўлса, 22 йил давомида энергетика соҳасида қўлга киритилган ютуқлар кўз олдимизда бирма-бир намоён бўлади. Авваллари кичик қувватли дизел ва гидравлик электр станцияларидан ташкил топган вилоят электр тармоқлари бугунги кунда республикаимиз энергетика тизимидаги йирик корхоналарнинг бирига айланди.

Хозирги кунда вилоятимизда 115 дан ортиқ юқори кучлинишли подстанциялар, 14000 километрдан зиёд электр узатиш тармоқлари, 5652 та трансформатор пунктлари мавжуд бўлиб, улар ёрдамида жами 521780 та, (506770 таси аҳоли турар-жойлари) 15010 таси юридик истеъмолчи электр энергияси билан таъминланмоқда. Мавжуд электр хўжалигида жамиятнинг 2633 нафардан зиёд муҳандис-техник ходимлари хизмат қилмоқда.

Энергетика тизимида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида жамоамиз томонидан ўтган 22 йил давомида салмоқли ишлар амалга оширилди. Истеъмолчиларга 48,8 млрд. квт.соат электр энергияси етказиб берилди. Иқтисодий тармоқлари ва аҳолини узлуксиз ва сифатли электр энергияси билан таъминлаш мақсадида 9 та 110 кВ кучлинишли, 13 донга 35 кВли подстанция ишга туширилди. 12 донга 110 кВли, 11 донга 35 кВли подстанцияларнинг иккинчи босқич-

Реклама ўрнида

Хонадонингиз чароғон бўлсин

лари фойдаланишга топширилди. Келишилган ҳолда сув хўжалигига қарашли 110/6 кВ кучлинишли "Оламайдон" подстанциясига 10 МВА куч трансформатори ўрнатилиб, Избоскан ва Пахтабод туманида электр таъминоти яхшиланди.

Корхона ишчи-хизматчилари иқтисодий тармоқларининг барча жабҳалари ва аҳолини электр энергияси билан бир маромда таъминлаш йўлида бор куч-гайратини сарфламоқда. 2013 йилда етказиб берилган электр энергиясининг миқдори 2,17 миллиард киловатт соат, пул ҳисобида 260,4 миллиард сўмни ташкил қилган бўлса, унинг салмоқли қисми вилоят аҳолисига узатилди.

Ходимларимиз электр тармоқларини ривожлантириш, янги подстанциялар қуриш, мавжудларини сифатли таъмирлаш ишларига ҳам катта эътибор бермоқда. 2013 йил давомида жамият тасарруфидаги 759,2 км. ҳаво тармоқлари, 433 донга тармоқ трансформаторлари, 298 донга трансформатор пунктлари тўла таъмирдан чиқарилди. Бу ишларга қўшимча равишда 78 донга янги юкламани енгиллаштирувчи трансформаторлар ўрнатилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Андижон вилоятида 2011-2015 йилларда турар жой массивлари коммунал инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ижросини таъминлаш мақ-

садида «Андижон ҳудудий электр тармоқлари» ОАЖда ҳаммаси бўлиб 2011-2015 йилларда 374,0 км. электр узатиш тармоқларини қуриш, модернизация қилиш ва янгилаш, 230 та трансформатор пунктларини ўрнатиш ва мазкур ишларни амалга ошириш учун "Ўзбекэнерго" ДАК ҳисобидан 26 млрд. 348 млн. сўм маблағ сарфланиши режалаштирилган эди. 2011-2013 йилларда 35 млрд. сўмлик капитал маблағлар ўзлаштирилиб, дастурдаги 163,0 км. ўрнига 193,6 км. электр тармоқлари ва 120 та трансформатор пунктлари қурилиб, 3 йиллик дастур тўла бажарилди. 2013 йилда қурилиши кўзда тутилган 74,5 км. тармоқ ва 61 комплект трансформатор пунктларидан ҳозирда 127,7 км. электр тармоқ ва 77 донга трансформатор пунктлари қурилиб тўла ишга туширилди ва ушбу ишларга 14,4 млрд. сўмлик маблағ сарфланди.

2009 йил 3 августдаги ПК-1167-сонли қарорга асосан вилоятда 2013 йилда қурилаётган 46 та намунавий уй-жой массивларида электр тармоқларининг қурилиши "Андижон ҳудудий электр тармоқлари" ОАЖ зиммасига юклатилган эди. Шу кунга қадар туманлардаги уй-жой мавзеларига ўрнатилиши режалаштирилган 26 комплект трансформатор пунктлари, 24,1 км. электр тармоқлари қуриб битказилди. Туманларда қурилган намунавий уйларга замонавий, табиий ва техноген тусдаги фавкулдда вазиятлар-

дан ҳимояланган СИП русумли симлар тортилди.

Муҳтарам Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг 2013 йил 26 апрелда Андижон вилоятига қилган ташрифида вилоятимизнинг 2013-2015 йиллар давомида иқтисодий ривожлантиришга қаратилган йўл-йўриқ, топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида бошқа корхона ва ташкилотлар қатори жамиятимиз томонидан ҳам чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Ушбу чора-тадбирларда 2013-2015 йиллар давомида электр тармоқларини бошқаришни такомиллаштириш, энерготизмни барқарор ишлашини таъминлаш, иқтисодий тармоқлари ва аҳолини электр энергиясига бўлган аҳтиёжини янада тўлароқ қондиришга қаратилган бир қатор ишларни бажариш кўзда тутилган.

Мазкур ишларни амалга оширилиши вилоятимиз электр тармоқларини техник жиҳатдан мукамал бўлишига, ишончли ишлашига, барча ҳудудларда шаҳар ва туманларнинг электр энергияси таъминотини янада яхши-ланишига имкон беради.

Жамият томонидан Вазирлар Маҳкамасининг "Электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизimini такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш бўйича ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. Хозирнинг ўзида АСКУЭ тизимида 7800 та юридик истеъмолчининг 8691 та ҳисоблагичи улашиб, уларнинг

электр энергияси истеъмолини масофадан туриб узлуксиз равишда назорат қилиш имконига эга бўлиди. Андижон вилоятининг барча шаҳар ва туманларидаги истеъмолчиларига жами бўлиб 43884 та замонавий пластик карталар ҳисоблагичлар ўрнатилди. Бундан ташқари Андижон шаҳридаги 1-2-3-4-5-сон ҳамда "Бўстон" МФЙлари, Қўшариқ, Шимолий, Асака шаҳридаги Муқимий кичик даҳаларида жойлашган 430 та кўп қаватли уйларнинг 19319 та хонадонига ҳам замонавий электрон ҳисоблагичлар ўрнатилиб, АСКУЭ тизимига уланди.

Қисқа вақт ичида қилинган бу каби ишлар ўз самарасини бермоқда, десак муболага бўлмайди. Бугунги кунда иқтисодий қийинчиликларга қарамай яхши меҳнат қилаётган корхона жамоасининг фидокорона меҳнатини таъкидлаб ўтиш ўринлидир. Булоқбоши, Қўрғонтепа, Бўз туман электр таъминоти корхоналари, подстанция ва ҳаво линиялари хизмати, ускуналарни синнаш ва таъмирлаш бўлимлари жамоалари топширилган вазифаларни сифатлидан бажариб келмоқда. Байрам арафасида самарали меҳнат қилаётган бир қатор уста ва фидойиларимиз "Ўзбекэнерго" давлат акциядорлик компанияси ҳамда Андижон вилоят қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси, вилоят ва шаҳар ҳокимликларининг фахрий ёрликлари, қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

Корхонамизда ишчи-ҳодимларни соғломлаштириш, оилавий шароитларини яхшилаш, иш жойида қулайлик яратиш бўйича ҳам бир қатор ишлар қилинди. Меҳнат таътилига чиқиб, даволаниши учун 1414 ходимга 287,9 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Соғлигини тиклаш ва дам олиш-


ни истаган 152 нафар ишчи-ҳодим сihatтоҳларга йўлланма олди. "Энергетик" болалар дам олиш оромгоҳида эса ишчи-хизматчиларнинг 752 нафар фарзанди дам олиб қайтди.

Жамиятимизда электр жиҳозлар ва қурилмаларни 2013-2014 йиллар куз-қиш мавсумига тайёрлаш бўйича режалаштирилган барча ишлар тўла бажарилди. Жамият тасарруфидаги подстанцияларда жойлашган электр қурилмалар кўриқдан ўтказилди, аниқланган камчиликлар бартараф этилди. Фавкулдда ўқишлар ва носозликларни бартараф қилиш бўйича 28 та махсус тезкор гуруҳ тузилди, узлуксиз навбатчилик ташкил этилди. Истеъмолчиларга куз-қиш мавсумида сифатли хизмат кўрсатишни қўшимча чоралари кўрилмоқда. Истеъмолчилар ҳам ўз навбатида электр энергиясини ишлаб чиқариш ва узатишдаги машаққатларни тушунган ҳамда ундан оқилона, тежаб-тергаб фойдаланиш ва ҳақини ўз вақтида тўлаб боришга одатланишлари зарур.

Электр энергияси давлатимиз қудрати рамзи, халқимизнинг энг ишончли ҳаёт манбаидир. У билан хонадонимиз ёруғ, дилимиз равшан, ишларимиз бароридан келаверади.

Фурсатдан фойдаланиб, жамоамиз номидан барча ҳамкасбларимизни касб байрамимиз ҳамда кириб келаётган Янги 2014 йил билан чин юракдан муборакбод этаман. Уларга сihat-саломатлик, хонадонларига файз-баракка, тинчлик-хотиржамлик, мамлакатимиз равнақи йўлидаги меҳнатларида улкан зафарлар тилайман.

Т.ЮЛДАШЕВ,
"Андижон ҳудудий электр тармоқлари" ОАЖ директори



"ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ" ОАЖ ХОРАЗМ ФИЛИАЛИ жамоаси

Барчани

ЯНГИ 2014 ЙИЛ

билан самимий қутлайди.

"Соғлом бола йили"да барчангизнинг хонадонингизга тинчлик-хотиржамлик, тотувлик тилаб қоламиз!

БАЙРАМ МУБОРАК!



"CHIRCHIQMASH-STAL SERVIS" УНИТАР КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

Халқимизни кириб келаётган

2014 йил

билан муборакбод этади.

Янги йил ҳар бирингиз учун эзгу ниятлар амалга ошадиган, орзулар ушаладиган йил бўлсин!

БАЙРАМ МУБОРАК!



ҚОРАҚАЛПОВИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР КЕНГАШИ ҲУЗУРИДАГИ "ЯҒОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ" ИНЖИРИНГ КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ

Юртимиз фуқароларини

Янги 2014 йил

билан табриклайди.

Кириб келаётган Янги йил хонадонларингизга шоду хуррамлик, файз-баракка олиб келсин!

Қутлов

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ПРОФЕССОР ВА ЎҚИТУВЧИЛАРИ ЖАМОАСИ,
“КАМОЛОТ” ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТИ БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТИ,
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ

Барча юртдошларимизни яқинлашиб келаётган

2014 ЙИЛ – “СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ”

билан чин юракдан қутлайди.

Хонадонларимиздан зиё,
илм-маърифат аримасин.

Юртимиз доимо тинч, осуда бўлсин.
Янги йил барчага қувонч, шодлик олиб келсин!

Тиббий хизмат

Она ва бола саломатлиги

жамият тараққиётининг муҳим омили

Халқ саломатлигини мустаҳкамлаш, маънан етув ва жисмонан соғлом авлодни камол топтириш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Муҳтарам Президентимиз раҳнамолигида юртимизда сифат жиҳатдан янги, замон талабларига жавоб берадиган бирламчи тиббиёт, республика ҳамда вилоятлардаги шошилинч тиббий ёрдам марказларини ўз ичига олган тиббиёт муассасаларининг мукамал тизими яратилди.



даги барча бўлимларнинг бинолари 2012-2013 йиллар давомида инвестиция дастурига қаратилиб, туғруқхона ҳамда юкмили касалликлар бўлими, туманлараро ОИТС лаборатория, маъмурият бинолари капитал таъмирланиб, ишга туширилди. Туман марказий касалхонасида 2013 йил учун капитал таъмирлаш ишларига 4 миллиард 448 миллион 116 минг сўм маблағ ажратилган бўлиб, шу кунгача 4 миллиард сўмга яқин иш бажарилди. “Беруний” овул фуқаролар йиғинидаги “Ёшлик” аҳоли манзилида 100, “Маматқули” ОФИдаги “Қорақалпоқ” қишлоғида эса 50 қатновга мўлжалланган ҚВП қуриб битказилди. 2014 йилда Навоий ОФИ “Тараққиёт”, Жуманиёзов ОФИ “Батанбош” ва Шоббоз ОФИ “Карвон” худудларида янги қишлоқ врачлик пунктларини қуриш режалаштирилган.

— 2000 йилдан фаолиятини бошлаган марказимизга тиббиёт фанлари номзоди Қаҳрамон Қобулов раҳбарлик қилиб келади, - дейди биз билан суҳбатда Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази Нукус филиалининг гинекология бўлими бошлиғи, тиббиёт фанлари номзоди Серигул Базорова. — Марказимиздаги 826 нафар тиббиёт ходимларининг 51 нафарини акушер-гинеколог, 27 нафарини неантолог, 416 нафарини эса ўрта тиббиёт ходимлари ташкил қилади. 230 ўринли шифохона ва 200 қатновга мўлжалланган поликлиникамиз фаолият олиб бормоқда. Бизнинг асосий вазифамиз она ва бола саломатлигини сақлаш, гинекологик касалликларнинг олдини олиш, репродуктив саломатлигини сақлаш ҳамда оналар ва болалар ўлими билан боғлиқ касалликларни камайтиришдан иборатдир. 2013 йилда оналар ва болалар ўлими кескин камайди. Бу борада аҳоли ўртасида ўтказилган учрашув, ўқув-семинар ҳамда мулоқотлар ўз самарасини бермоқда.

Олий тоифали акушер-гинеколог Бибиғул Абдурасулова 30 йилдан буён беморлар дардига малҳам бўлиб, уларни ширин сўзи билан даволаб келмоқда. Фидокорона меҳнатининг самарасини кўраётган Бибиғул опа яқинда “Ўзбекистон тиббиёт аълочили” кўкрак нишони билан тақдирланди.

— Президентимиз ташаббуси билан 2014 йилни мамлакатимизда “Соғлом бола йили” деб эълон қилиниши нафақат халқимиз, кенг жамоатчилик, шу билан бирга инсон саломатлиги йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилаётган биз шифокорларни ҳам ғоятда қувонтирди.

Таъкидлаш жоизки, мустақилликнинг илк йиллариданоқ юртимизда тиббиёт соҳаси ривожига катта эътибор қаратилди. Жумладан, соғлиқни сақлаш соҳасида энг илғор шакл ва услублар амалиётга жорий қилинди. Жойларда бирламчи бўғиннинг янги, ихчам ва замонавий тизими — қишлоқ врачлик пункти, шунингдек, туман тиббиёт бирлашмалари вужудга келди. Президентимиз томонидан илгари сурилган “Соғлом она-соғлом бола” дастури бугун умуммиллий ҳаракатга айланиб улгурди. Ҳар бир тиббиёт ходимидан аҳолига биринчи навбатда, сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, она ва бола саломатлигига эътиборли бўлиш талаб этилмоқда, - дейди Б.Абдурасулова. — Тамара Утаназарова, Айзода Колмуротова, Замира Усакова, Жангул Калиева, Зулфия Эшнязова, Гулбахор Қалмирзаева, Бозоргул Узоқберганаева каби шифокор ва ҳамшираларимиз беморлар дардига малҳам бўлиб, намунали тиббий хизмат кўрсатмоқда.

— Соғлом миллат — юрт таянчи бўлиб, унинг истиқболлини белгилаб беради. Утган йиллар мобайнида аҳоли ўртасида тиббий маданиятни ошириш, аёллар соғлиғини мустаҳкамлаш, соғлом авлодни дунёга келтириш ва тарбиялаш бўйича кенг миқёсда ишлар олиб борилди, - дейди Шуманай туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Кўмекбой Алламурад. — Бугунги кунда тизимдаги 1 та шифохона, 10 та амбулатория-поликлиника муассасалари, 9 та қишлоқ врачлик пункти ва бошқа даволаш-профилактика муассасалари туманнинг 52 минг 789 нафар аҳолисига тиббий хизмат кўрсатмоқда. 2011 йилда туман тиббиёт бирлашмасида 3 миллиард 500 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилди. Айти кунда “Саломатлик 3” лойиҳаси асосида бирлашмаимиз 145 миллион сўмлик зарур тиббий ускуналар билан жиҳозланади. “Дўстлик байроғи”, “Майли узак”, “Деҳқонобод”, “Қорабайли” ҚВПларида таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилмоқда.

Мамлакатимизда инсон саломатлигини сақлашга устувор вазифа сифатида қаралаётган экан, бу борадаги саъй-ҳаракатлар ҳар биримизни янада фаолликка ундайди. Бир сўз билан айтганда, Қорақалпоғистон Республикасида фаолият олиб бораётган тиббиёт ходимлари ана шундай фаоллик ва фидоийлик билан, эл соғлиғини муҳофаза қилиш йўлидаги эзгу юмушларга муносиб ҳисса қўшишмоқда.

Эркин ДОРИПОВ,
“Milliy tiklanish” мухбири

“ҚОРАҚАЛПОҚ ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ” ОАЖ ЖАМОАСИ

Юртдошларимиз ва энергетика соҳасида
хизмат қилаётган барча ҳамкасбларимизни
қириб келаётган

2014 йил

ва энергетиклар кўни муносабати
билан қизғин табриқлайди.

Юртимиз ободлиғи, Ватанимиз тараққиётини йўлида
олиб бораётган ишларингизга улкан
зафарлар тилайди.

БАРЧАГА БАЙРАМ
МУБОРАК!

“ASIA ELEGANT STAR” МЧЖ ЖАМОАСИ

Кириб келаётган **Янги 2014 йил**

барчамизга шодлик, қувонч, бахт-саодат олиб келсин.
Халқимизга омонлик, оилаларимизга фаровонлик,
ёшларимизга янада фидойилик ато этсин.

ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ БИЛАН!

“ҚОРАҚАЛПОҚПАХТАСАНОАТ” ХАБ ЖАМОАСИ

Бутун ўзбекистонликларни ва юртимиз
меҳмонларини кириб келаётган —

Янги 2014 йил

билан қизгин табриклайди.

Янги йилда янги орзу,
умид ва хурсандчилик
сизу бизни тарк этмасин.

2014 йил улкан муваффақиятлар ва
зафарлар йили бўлсин.

ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ БИЛАН!

Кўргазма

Тарихий хотира

Иқоо Хираяма халқаро маданият карвонсаройида (ХМКС) юртимиз тарихига оид археологик буюмлар кўргазмаси иш бошлади

Айни пайтда маданият карвонсаройида 1500 дан ортиқ археологик топилмалар сақланиб келинмоқда. ХМКС коллекцияси асосида ташкил қилинган навбатдаги учинчи анъанавий археологик кўргазмага 60 дан ортиқ антик, шунингдек, ўрта асрларга хос металл ва шишадан ишланган буюмлар кўйилган. Экспозициядан ўрин олган металл буюмлар Сурхондарё вилоятининг Ангор тумани, шунингдек, Тошкент вилоятининг

Оқкўрғон ва Чиноз туманларидаги ёдгорлик мажмуаларидан топилган. Экспонатлар орасидаги айрим металл буюмларнинг ёши эраимизга қадар 3-2 минг йилликларга тенгдир. Металл буюмлар ичида қурол-аслаҳалардан — найза, ханжар ва шамширлар, меҳнат қуролларидан — омон ва болғачалар, маиший буюмлардан — пичоқ, қайчи, чўмич ва қошиқлар учрайди.
Бундан ташқари, экспонатлар

қаторидан турли номинал ва қадр-қийматга эга тангалар, ҳар хил оғирликдаги қайроқтошлар ҳам жой олган. Ушбу буюмлардан ўз даврида нафақат пул ўрнида, балки оғирлик ўлчови сифатида ҳам фойдаланилган. Кўргазмага қўйилган шиша буюмлар орасида ошхона идиш-товуқлари: жом, чойнак, маиший идишлардан тортиб, пардоз-андоз ашёларигача топилади.

Кўргазма залида ташкил қилинган давра суҳбати чоғида тарихчи ва тадқиқотчиларнинг маърузалари тингланди. Тадбир қатнашчилари тарихий давр жараёнларининг мазмун-моҳиятини чуқурроқ тушуниш имкониятига эга бўлдилар.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

АНДИЖОН ШАҲРИДАГИ

“SABR KO LTD” МЧЖ ЖАМОАСИ

Барча ҳамюртларимизни кириб келаётган —

Янги 2014 йил

билан чин дилдан табриклайди.

Сизга сиҳат-саломатлик, ишларингизга улкан муваффақиятлар тилаймиз.
Янги йил бутун халқимизга тинчлик-омонлик, хонадонларимизга
қут-барака олиб келсин.

**“СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ”
МУБОРАК БЎЛСИН!**

